Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 126 (5717).
3 ИЮНЬ 1985 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўзининг навбатдаги мажлисида КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XX пленуми қарорлари асосида халқ депутатлари Советларининг партия XXVII съездига тайёргарликни кучайтириш соҳасидаги вазифаларини муҳокама қилди. Қабул этилган қарорда шу нарса уқтириб ўтилдики, съездолди даврида Советлар, уларнинг депутатлари ва ижроия комитетлари ўзларининг ташкилотчилик фаолиятини янада кучайтиришлари, демократик негизларни кенгроқ ривожлантиришлари, раҳбарлик форма ва методларини такомиллаштиришлари, ишда кўпроқ ижодий ташаббус ва мустақиллик кўрсатишлари, топширилган иш учун ҳар бир ходимнинг масъулиятини оширишлари лозим. Советлар КПСС XXVII съезди шарафига социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдиришга актив кўмаклашишлари, 1985 йил учун белгиланган иқтисодий ва социал ривожланиш планлари ва умуман ўн биринчи беш йиллик муваффақиятли бажарилишини таъминлашлари керак.

КПСС XXVI съезди ва партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорлари, СССР Олий Совети Президиумининг СССР халқлари дўстлиги ва ҳамкорлигини янада ривожлантириш ҳамда меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялаш соҳасида халқ депутатлари Советларининг вазифалари тўғрисидаги қарори асосида Ўзбекистон ССР халқ депутатлари Советлари, министрликлари ва идоралари бу соҳада ўтказаётган иш кўриб чиқилди. Республика меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети раҳбарлигида мамлакат экономикаси ва маданиятини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар, социалистик Ватан қудратини ўстиришга кўмаклашмоқдалар. Бу иш Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини амалга ошириш даврида, айниқса, таъсирчан тус олди. Шу билан бирга, Президиум мажлисида Советларнинг амалий ишида давлатимизнинг кўпмиллатли характери туфайли келиб чиққан проблемаларни ҳал этишга баъзан етарли эътибор берилмаётганлиги уқтириб ўтилди. Бир қанча ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналар шартномавий мажбуриятлар юзасидан маҳсулот етказиб бериш планларини миқдор жиҳатидан ҳам, сифат жиҳатидан ҳам бажармаяптилар. Советлар ва уларнинг ижроия комитетлари агросаноат комплексининг резервларидан

Умумиттифоқ манфаатлари йўлида тўла-тўкис фойдаланмаяптилар. Кўпмиллатли меҳнат коллективларини шакллантириш, саноатнинг бир қанча етакчи тармоқларида маҳаллий миллат ишчилари сонини кўпайтириш, уларни Ўзбекистон ССР ва қардош республикаларнинг ҳунар-техника таълими системасида тайёрлаш имкониятларидан янада тўла-тўкис фойдаланиш тадбирлари ҳамма жойда ҳам кўрилаётгани йўқ. Меҳнат ресурсларидан мамлакат халқ хўжалигини жадал ривожлантириш мақсадлари йўлида суст фойдаланилмоқда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари Советларига шу масалаларга эътиборни кучайтириш таклиф қилинди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Соғлиқни сақлаш ва социал таъминот комиссиясининг Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонунининг беморлар овқатланишини яхшилаш қисмини бажариш юзасидан республика министрликлари ва идораларининг иши тўғрисидаги ахбороти тингланди. Бу ишда маҳаллий Совет органларининг айби билан ҳали ҳам жиддий камчиликлар борлиги уқтириб ўтилди. Бир қанча областларнинг медицина стационарларида овқатланиш қониқарсиз йўлга қўйилган. Савдо ташкилотлари кўпинча касалхоналарга гўштли, сутли маҳсулотларни, мева ва сабзавотларни кам етказиб бермоқдалар. Баъзи даволаш-профилактика муассасаларида озиқ-овқат маҳсулотларини ўғирлаш ҳоллари аниқланди. Президиум тегишли министрликлар ва идоралар, маҳаллий Советлар зиммасига беморларнинг овқатланишини ташкил этишда зарур тартиб ўрнатиш вазифасини юклади.

Президиум социал адолат принциплари бузилаётганлиги тўғрисида гражданлар янада тўла-тўкис фойдаланиш тадбирлари ҳамма жойда ҳам кўрилаётгани йўқ. Меҳнат ресурсларидан мамлакат халқ хўжалигини жадал ривожлантириш мақсадлари йўлида суст фойдаланилмоқда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари Советларига шу масалаларга эътиборни кучайтириш таклиф қилинди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Соғлиқни сақлаш ва социал таъминот комиссиясининг Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонунининг беморлар овқатланишини яхшилаш қисмини бажариш юзасидан республика министрликлари ва идораларининг иши тўғрисидаги ахбороти тингланди. Бу ишда маҳаллий Совет органларининг айби билан ҳали ҳам жиддий камчиликлар борлиги уқтириб ўтилди. Бир қанча областларнинг медицина стационарларида овқатланиш қониқарсиз йўлга қўйилган. Савдо ташкилотлари кўпинча касалхоналарга гўштли, сутли маҳсулотларни, мева ва сабзавотларни кам етказиб бермоқдалар. Баъзи даволаш-профилактика муассасаларида озиқ-овқат маҳсулотларини ўғирлаш ҳоллари аниқланди. Президиум тегишли министрликлар ва идоралар, маҳаллий Советлар зиммасига беморларнинг овқатланишини ташкил этишда зарур тартиб ўрнатиш вазифасини юклади.

Президиум социал адолат принциплари бузилаётганлиги тўғрисида гражданлар фактлари муносабати билан қарор қабул қилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг бюрократизм, сансалорлик, меҳнаткашларнинг мурожаатларига эътиборсизлик билан қараш ҳолларини кескин тугатиш тўғрисидаги кўрсатмаларининг бажарилиши ҳамма министрликлар ва идораларда, Советларнинг ижроия комитетларида ҳам таъминланмаганлиги уқтириб ўтилди. Хизмат соҳаси корхоналари ва муассасаларининг қониқарсиз иши, уй-жой тақсимлашдаги, ер участкалари ажратишдаги тартибни бузиш, социал таъминот органларининг ишидаги камчиликлар ҳусусидаги шикоятлар камаймаяпти. Президиум давлат ва хўжалик органларидан ҳамда уларнинг раҳбарларидан ўз фаолиятида қонунчилик ва социал адолат принципларига қатъий риоя этишни, турмушимизни ёт ҳодисалардан тозалаш юзасидан кескин чоралар кўришни талаб қилди.

Президиум XI чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларига сайловчиларнинг наказларини кўриб чиқиди ҳамда шу наказларни бажариш юзасидан Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, республика Госпланига, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига топшириқлар берди.

Советларнинг депутатлари гражданларни қабул қилишини такомиллаштириш масаласи ҳамда бошқа баъ

— тонгги газеталарда

1 июнь куни Андижон область Избоскан районидаги Партия XX съезди номли колхоз клуби байрамлардагидек безатилган эди. Деҳқонлар ва чорвадорлар, кўпдан-кўп меҳмонлар бу ерга йиғилдилар. Меҳнат ветеранлари залда фахрий ўринларни эгалладилар. Бу ерда хўжалик биринчи даражали Ватан уруши ордени билан мукофотланганлигига бағишланган йиғилиш тантаналари бўлди. Хўжалик Улуғ Ватан уруши йилларида Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотини таъминлашдаги хизматлари учун ана шу орденга сазовор бўлган эди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев колхоз байроғига жанговар орденни тақиб қўйди. У колхозчиларни мукофот билан самимий қутлади, Ватан фаровонлиги йўлида уларга янги-янги муваффақиятлар тилади.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари Е. А. Айтмуротов, Андижон область партия комитетининг биринчи секретари С. М. Мамарасулов қатнашдилар.

* * *

1 июнь куни Сирдарё область идеология ходимларининг кенгаши бўлди, унда КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумининг қарорлари, идеология иши юзасидан бўлиб ўтган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференциясининг тавсиялари ҳамда КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумининг қарорларини бажариш соҳасидаги ишнинг аҳволи муҳокама қилинди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Х. Абдуллаева, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Антонов нутқ сўзладилар.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўн биринчи чақириқ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг учинчи сессияси 1985 йил 2 июль куни Москва шаҳрида чақирилсин.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. КУЗНЕЦОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль, 1985 йил 31 май.

КПСС XXVII СЪЕЗДИГА— 27 ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК



ТАШАББУС ҚАНОТ ЁЙМОҚДА

КПСС Марказий Комитети апрель (1985 йил) Пленумининг Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXVII съездини чақириш тўғрисидаги қарори меҳнат ташаббускорлигининг янги тўлқинини юзага келтирди. Минглаб меҳнаткашлар ижодий ташаббускорлик, меҳнатга коммунистик муносабат, юксак онглилик намуналарини кўрсатиб бешйиллик топшириқларини муддатидан илгари тугалладилар ва республика пойтахтини иқтисодий ва социал ривожлантириш планларининг муваффақиятли амалга оширилишига муносиб ҳисса қўшдилар.

«СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи партия съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, пленум қарорларига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг экономиканы интенсив ривожланишиң таъминлаш, техника тараққиёти сурьатларини тезлатиш, жамоат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш, тартиб ва уюшқоқликни қарор топтириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ҳақидаги кўрсатмаларига амалий жавоб бериш учун интилиб, республиканинг ўн саккиз илғори ва Тошкент шаҳри Фрунзе райони меҳнаткашларининг партиянинг бўлажак анжумани шарафига 27 зарбдор ўн кунлик ўтказиш тўғрисидаги ташаббусларини қўллаб-қувватладилар.

Коллектив ўз резерв ва имкониятларини ҳисоблаб чиқиб ишлаб чиқаришни ташкил этиш даражасини ошириш, технология ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва иш вақтининг турли йўсинда йўқолишини қисқартириш, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш эвазига муддатидан илгари, 1985 йил 28 декабрда ишлаб чиқариш ҳажми бўйича йиллик планни бажаришга қарор қилдилар. Планга қўшимча 2,1 миллион сўмлик (илгари қабул қилинган 1,6 миллион сўмлик маҳсулотга қўшимча) маҳсулот, шу жумладан, юз трактор, 50 та трактор прицепи ва улар учун 50 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади.

Озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажариш мақсадида мамлакат қишлоқ хўжалигига прицеплар ва эҳтиёт қисмларни муддатидан ўн кун аввал етказиб берилади.

Иқтисод ва тежамкорлик бўйича тадбирлар, хом ашё ва материаллардан омилкорлик билан фойдаланиш эвазига илгари қабул қилинган мажбуриятларга қўшимча 360 тонна прокат, 80 минг киловатт-соат электр қуввати, 500 тонна шартли ёқилғи, 50 гигакалорий иссиқлик энергияси тежалади. Планга қўшимча 1,5 миллион сўмлик фойда (илгари қабул қилинган бир миллион сўмга қўшимча) олинади.

Тракторсозлар ўзларининг юксак социалистик мажбуриятларини зардобона меҳнатлари билан кун сайин мустаҳкамламоқдалар. «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси пахтачиликка мўлжалланган тракторлар ва прицеплар ишлаб чиқарувчи мамлакатдаги ягона корхонадир. «ТТЗ» маркали қишлоқ хўжалиги машиналари фақатгина мамлакатимиз пахтакорлари ўртасида эмас, балки Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида ҳам довруғ таратган.

Машинасозлар корхоналари тарихи билан фахрланадилар. Ўз фаолиятини 1942 йилнинг ноябрь ойида ўқ-дорилар ишлаб чиқариш билан бошлаган кичкина завод уруш кейин дарҳол тинчлик мақсадларидаги маҳсулотлар — озиқ-овқат саноати учун, сўнг пахта тозалаш саноати учун ускуналар ишлаб чиқаришга ўтди.

1957 йилда унинг дарвозасидан пахтани қоп-қаноргсиз ташиш учун мўлжалланган дастлабки прицеплар чиқди. Улар бир мунча модификация қилинган ҳолда ҳозир ҳам ишлаб чиқариляпти. 1969 йилдан бирлашма тарихида янги саҳифа очилди. Шу йили пахтачиликка мўлжалланган «Т-18х4М» тракторини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Пахтачиликда иш ҳажми ортиб бораётганлигини ҳисобга олиб, 1976 йилда коллектив қуввати оширилган «МТЗ — 80х» тракторини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Ҳозир бирлашма Совет Иттифоқининг йирик саноат корхоналаридан биридир. Цехларда автоматик линиялар, маҳсус ва агрегат станоклар ишлаб турибди, роботлаштирилган участка бунёд этилди. Корхона ишлаб чиқаришни бошқаришнинг автоматлашган системасига, маҳсулот сифатини бошқаришнинг ва ишчилар меҳнатини бошқаришнинг комплекс системасига эга. Булар барча бўлинмаларнинг фаолиятини стабиллаштириш, барча кўрсаткичлар бўйича планни бир маромда бажариш имконини беради.

Тошкент тракторсозлари республикада биринчилардан бўлиб, мамлакат илғор корхоналарининг меҳнат ташаббусини қўллаб-қувватлашади, ўзлари ҳам қимматли ташаббуслар билан чиқишади.

Коллектив корхона мавжуд бўлгандан бери ўтган йиллар мобайнида бутуниттифоқ ва республика социалистик мусобақасида кўп марталаб совринли ўринларни эгаллаган ва ғолиб чиққан.

1 январдан бирлашмада иқтисодий эксперемент бошланди. Унинг моҳияти корхонанинг планлаштириш, ишлаб чиқаришни ва хўжалик фаолиятини такомиллаштиришдаги, ҳуқуқларини кенгайтиришдан, унинг натижалари учун масъулиятни оширишдан иборат бўлса, мақсади эса хўжалик юритишда шундай шароитларни яратишдан иборатки, токи улар раҳбарларнинг ташаббускорлиги ва тадбиркорлигини юксалтирсин, моддий ва ёнилғи-энергетика ресурсларини анча тежаган ҳолда юксак техник-иқтисодий кўрсаткичларга эришишга ёрдам берсин.

Коллектив корхонанинг шонли меҳнат анъаналарини қадрлаяпти ва бойитаяпти. Ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида кўпгина муҳим воқеалар бўлиб ўтди. Йил бошида заводда буюртмачига янги герметик кабиналар, қулайликлари оширилган тракторларнинг биринчи туркуми топширилди. Бу тантанага қадар бутун тракторсозлар коллективи узоқ вақт қунт билан меҳнат қилди. Ғалабанинг 40 йиллиги арафасида 19-трактор йиғув цехи конвейеридан 350000-«Т28х4М» трактори тушириб олинди. Юбилей машинасини В. Боломожний, Е. Топильский, А. Шпинев бошлиқ илғор бригадалари ишга аъзолари йиғишди.

Тракторсозлар КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, тўрт ойлик топшириқни барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли адо этдилар. Планга қўшимча 70 трактор, 50 прицеп, 100 минг сўмликка яқин эҳтиёт қисмлар тайёрланди.

Бугунги кунда заводнинг бутун коллективи партия анжуманига бағишланган зарбдор вахтада турибди. Барча цехлар, участкалар, бригадаларда «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» шиори остида социалистик мусобақа кенг қулоч ёйди. Корхонада «Ўн саккизлар» ташаббусига биринчилардан бўлиб КПСС XXVI съезди делегати М. Туропов, Ўзбекистон Компартияси XX съезди делегати Л. Дубинина, сидиқловчи В. Ҳаритонова, созловчи М. Аласания, пайвандчи Х. Зокиров ва бошқа ишчилар қўшилдилар. Илғорларнинг ташаббусини тракторсозлар кенг қўллаб-қувватлашди. Бирлашмада 45 бригада йиллик топшириқни машинасозлар кунигача, 73 бригада ва 2000 дан ортиқ ишчи Улуғ Октябрнинг 68 йиллигига бажариш бўйича социалистик мажбуриятлар олишди, кўпгина ишчилар биринчи квартали топширигини 25 февралга қадар бажаришга сўз беришди. Бу коллективнинг КПСС XXVII съездига муносиб туҳфаси бўлади.

Суратда: «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» ташаббусини қўллаб-қувватлаган бир группа илғор ишчилар.

Т. Каримов фотоси.

САЛОМ, ФЕСТИВАЛЬ!

Москвада Ўзбекистон «бурчаги»

XII Жаҳон фестивали байрам кунларида М. Горький номли маданият ва истироҳат боғи фестивалнинг маданият выставкалари марказ бўлиб қолади. Бу ерда анжуман меҳмонлари ва иштирокчиларн Советлар мамлакати қардош республикалари ижодкор ёшларининг тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, графика, санъатининг амалий турлари соҳасидаги муваффақиятлари билан таништиришлари мумкин. Выставкадан Совет Ўзбекистонн ҳам муносиб ўрин олади.

...Мана, жанубнинг ранго-ранг бўёқлари нурн чарақлаб ҳамма ёқни ёритиб юборди. Турли тилларда сўзлашаётган меҳмонларга Ўзбекистон ўзининг меҳмоннавоз бағрини очгандек, павильон эшиклари ланг очиб қўйилди.

— Яқин орада айни шундай бўлади, — дейди республика экспериментал архитектура-бадиий устахонасининг бош архитектори А. Р. Тўхтаев макетга назар ташларкан. — Ҳозирча буларнинг ҳаммаси хомаки.

Выставкадаги Ўзбекистон павильонн ёркин, ранг-баранг ва миллий нақшлари билан кўзни қувонтиради, деб ҳисоблашмокда выставка шаҳарчасининг оригинал лойиҳасинн ишлаб чиққан устахона ходимлари. 15 павильоннинг ҳаммаси турли чодир қопламали йиғма конструкциялардан тикланади. Бундай выставка шаҳарчаси бир неча кун ичида тикланади.

— Лойиҳани ишлаб чиқишда халқ ярмаркаларини ташкил этиш ва ўтказиш тажрибасидан фойдаландик, — дейди архитектор И. А. Лукбянец. — Павильонлар чодир ва арк кўринишида, миллий анъаналар руҳида қурилади. Рассомлар уларнинг деворларини манзарали панно лар билан безашади. Улар асосан қадимий усталар ёқтирган феруза рангида бўлади.

Выставка залида Ўзбекистон меҳнаткашларининг бунёдкорлик ва қаҳрамонона ишлари ҳақида фестиваль қатнашчилари ва меҳмонларга ҳикоя қилиб берилади. Бу ерда Ўзбекистон санъати усталарининг экспозицияси жой олади. Ёзги эстрадада Бадиий ҳаваскорлик коллективлари ўз маҳоратларини намойиш қиладилар, ўзбекистонлик пазандалар шарқ таомларини танавул қилишга таклиф этишади.

А. ИВАНОВА. (ЎзТАГ).

ТАЙЁРГАРЛИК БИЛАН

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Ўзбекистон ССР 25 йиллиги» пионер лагери Луначарский посёлкаси яқинидаги ҳушманзара ва баҳаво ерга жойлашган. Ҳозир бу ерда кичкинтойларнинг 36-дам олиш мавсуми бошланди. Лагерда болалар дам оладиган, овқатланадиган жойлар, спорт майдончаларн ремонтдан чиқарилди. Хнёбонларга эртакларнинг қаҳрамонларн акс эттирилган расмлар қўйилди. Лагерь боғбонн Жўра Тошпўлатов ўз касбини севган кишн. У ўн гектар майдоннн эгаллаган лагердаги дарахт ва гулларнн тинмай парваришлаяпти. Бу йил ётоқ павильонн ва спорт майдончалари, бассейн ва ошхона атрофнга 400 тупдан ортиқ мевали дарахт, 300 туп гул кўчатлари ўтқазилди.

Ўтган йили «Ўзбекистон ССР 25 йиллиги» пионер лагерн коллективи коммунал ва маиший хизмат корхоналарн ходимлари область касаба союз комитетига қарашли пионер лагерлари ўртасидаги социалистик мусобақада биринчи ўринни эгаллагандн, Лагерь коллективи бу йил ҳам кичкинтойларнинг кўнгилларидам олишини ташкил этишн учун зўр бериб ҳаракат қиляпти. Лагерь биринчи сменада дам олиш учун келган болаларни қабул қилиб олмоқда.

Ф. АБДУРАҲИМОВ.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

БУГУН ТОШКЕНТДА:

«Миконд» заводининг халқ истеъмоли моллари участкасида дам бериб шиширладиган шиша буюмларни пардозлайдиган ярим автомат ишга туширилди. Илгари бу ишлар алоҳида қирқувчи станокларда бажарилар эди. Янги механизм меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатини оширади. Корхона меҳнат аҳли халқ истеъмоли молларини кўплаб тайёрлаш мақсадида шу йилнинг беш ойида беш хил янги буюмни ўзлаштирди. Улар рангли шишадан тайёрланаётган вазалар ва стаканлардир.

●

Собир Раҳимов районидаги шина ремонти заводида компрессор участкаси ишга туширилди. Унда ўрнатилган икки янги компрессор тайёрланаётган шиналарга кучли буғ ва ҳавони етказиб беради. Натижада бу участка ёрдамида бир ойда 6,5 —7 минг дона шина тайёрлаш имконияти яратилди.

●

СССР темир йўл министрлигига қарашли Сергелидаги темир-бетон конструкциялари заводи коллективи мамлакатимизнинг Ғарбий Сибирь қурилиш ташкилотлари учун сифатли темир-бетон плиталарнинг 2 минг 300 кубометрини етказиб берди. Июль ойида ҳам шунча миқдорда маҳсулот юборилиши планлаштирилган. Корхона маҳсулотлари об-ҳавоси мураккаб шароитли жойларда йўл ва турли иншоотлар қурилишида қўл келмоқда.

●

«Ўзбексельмаш» заводининг коллективи Ироқ мамлакатининг навбатдаги буюртмасини муддатидан олдин адо этди. Сеялкаларнинг бир туркуми бу мамлакатга жўнатилди. Ҳозирги пайтда заводнинг такомиллашган ускуналарини жаҳоннинг ўттиздан ортиқ мамлакати сотиб олмоқда.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 23 даража иссиқ бўлади. Бугун кечаси 12—14, эртага кундузи 31—33 даража иссиқ бўлади.

● Шарҳчи сатрлари

ИСЛАНДИЯДА ЯДРО ҚУРОЛИГА ЎРИН ЙЎҚ!

Исландия парламенти мамлакатда ядро қуролини жойлаштиришни тақиқлади. Мамлакат қонун чиқарувчи олий органининг бу қарори тинч вақтга ҳам, уруш вақтига ҳам ёйилади. Бенстисно барча снёсий партиялар бу муҳим қарорни қўллаб-қувватладилар.

Вашингтон кўпдан бери ён Исландиядан ўз ҳарбий стратегияси манфаатлари йўлида фойдаланишга уринмоқда. Пентагон мамлакатнинг географик ҳолатини ҳисобга олиб, унинг территориясидан Шимолий Атлантика сувларини, шунингдек совет шимоли соҳил районларини назорат қилиб туришни кўзламоқда. Бунда «совет ҳарбий хавфи» тўғрисидаги уйдирмалардан кенг фойдаланилмоқда. Вашингтон шу баҳона остида 1951 йилдан буён Исландияда ўзининг ҳарбий иштирокини тинмай кучайтирмоқда. Америкаиинг Кефлавикдаги ҳарбий базасида «Фантом» қирувчи-бомбардимончи самолётларни, кемаларга қарши «Орион» самолётлари ва бошқа ҳарбий техника жойлаштирилмоқда. АВАКС системасидаги энг замонавий жосуслик самолётлари океаннинг Совет Иттифоқига туташ сувларини тинмай разведка қилмоқда. Америка ҳарбий иштирокини янада кучайтириш планлаштирилмоқда: Пентагон бу ерга янада кучли Ф—15 «ИГЛ» ҳарбий самолётларини жойлаштириш ниятидадир, Исафьордюр ва Торсховн фиордларн соҳилларида НАТОнинг янги радиолокация станциялари қурилади. Кемалар ва авиация ёнилғиларн сақланадиган мавжуд омборлар уч баравар кенгайтирилади.

Пентагон Исландия территориясидан ўзининг ядро базаси сифатида ҳам фойдаланиш режаларини тузаётган эди. Вашингтон ҳатто мамлакат ҳукуматини хабардор қилмаган ҳолда Исландияни «танг вазият» вужудга келиб қолган тақдирда Америкаиинг ядро қуроли жойлаштириладиган мамлакатлар қаторига киритиб қўйган эди. Пентагоннинг махфий меморандумида мамлакатда 48 та ядро бомбасини жойлаштириш кўзда тутилганди.

Меморандум тўғрисидаги хабар қаҳр-газаб тўлқинини авж олдириб юборди. Исландияликлар ўз мамлакати территориясидан Америка ҳарбийлари манфаатларини кўзда тутувчи жинояткорона режаларга қарши норозилик билдирдилар. Шунинг учун ҳам Исландия ҳукумати АҚШ ва НАТОнинг ичига ядро қуроли жойланган ҳарбий кемаларининг мамлакат портлари ва территориал сувларига киришини тақиқлаб қўйди. Эндиликда эса Альтинг (Исландия парламенти) ядро қуроли жойлаштирилишини тақиқлабгина қолмай, балки ҳукуматга халқаро ташкилотларда ядро қуролини ишлаб чиқариш ва уни синашни тақиқлашни ёқлаб чиқиш мажбуриятини юклади. Парламент депутатлари региондаги барча мамлакатларнинг Европа шимолида ядродан ҳоли зона вужудга келтириш йўлидаги куч-ғайратларини қўллаб-қувватлашни талаб қилдилар.

В. ВАВИЛОВ, ТАСС шарҳчиси.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари-амалда

◆ РЕЗЕРВЛАР ҚИДИРИБ ТОПИЛМОҚДА
◆ КАДРЛАРГА ЭЪТИБОР
◆ ХИЗМАТ КЎРСАТИШДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
◆ МУРАББИЙЛИК ҲАРАКАТИГА КЕНГ ЙЎЛ
◆ БЕШ ЙИЛЛИККА — ЗАРБДОР ЯКУН

«Транспорт, алоқа корхоналари, уй-жой, коммунал-хўжалиги ишида катта камчиликлар бор. Кўпгина маҳаллий Советлар аҳолига савдо, маиший ва коммунал хизматини яхшилаш юзасидан таъсирчан чоралар кўрмаяптилар».

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми материалларидан).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш борасидаги камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилган, хизмат кўрсатиш даражасини сифат жиҳатдан яхшилаш зарурлиги таъкидланган эди. Чунончи, кейинги йилларда аҳолининг транспорт-экспедиция хизматига бўлган талаби ортиб боряпти. Айни пайтда, бу ишдаги айрим камчиликлар буюртмачиларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётгани сир эмас. Бу хизмат турини такомиллаштириш ва буюртмаларнинг бажарилиш сифатини яхшилаш борасида қандай ишлар қилиняпти? «Ташгортрансэкспедиция» бирлашмаси бошлиғи Ж. НУРИДДИНОВдан шу ҳақда сўзлаб беришни сўрадик.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари республикамизнинг барча меҳнаткашлари қатори транспортчиларни ҳам имкониятлардан омилкорлик билан фойдаланиб, янада самаралироқ ишлашга даъват этяпти. Пленумда ҳаққоний кўрсатиб ўтилганидек, аҳолига маиший хизмат кўрсатишда, чунончи транспорт хизмати кўрсатишда ҳали камчиликлар бор. Айниқса, хизмат кўрсатиш маданиятини, иш сифатини ошириш борасида тинмай изланишимиз керак бўлади. Шу боисдан, аввало ходимларимиз ўртасида сиёсий-тарбиявий ишни кучайтиришга, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор беряпмиз.

Ҳайдовчилар, ремонтчи ишчилар, буюртма қабул қилувчилар, кассир-контролёрларни ишга қабул қилишда улар билан суҳбат ўтказишдан ташқари, уларнинг шахсий ҳужжатлари синчиклаб ўрганилади. Турдош касбларни билишлари ҳисобга олинади.

Ўтган йили бирлашмада кадрлар қўнимсизлиги 6,1 процент бўлди ва 1983 йилдагига нисбатан 2,1 процент камайди. Бунга меҳнат интизоми мустаҳкамланаётгани, тарбиявий иш кучайтирилгани, ишлаш учун зарур шароит яратиб берилаётгани туфайли эришилди. Ишлаб чиқариш интизоми мустаҳкамланишига жамоат ташкилотлари қўшаётган ҳисса катта бўляпти. Бирор киши ишдан бўшаш ҳақида ариза берса, бу масала албатта кадрлар бўлимида жамоатчилик асосида кўриб чиқилади, ишдан бўшашнинг сабаблари аниқланади. Бундан ташқари, прогулчиларга қарши қаттиқ кураш олиб бориляпти.

Аҳолига транспорт-экспедиция хизмати кўрсатиш даражасини сифат жиҳатдан яхшилаб бориш коллективимиз олдидаги энг муҳим вазифадир. Шу мақсадда буюртма қабул қилувчи пунктлар, транспорт агентликларини реклама воситалари билан жиҳозлашга катта эътибор бериляпти. Назорат группаси қабул пунктлари ва линияда мунтазам рейд текширишлари ўтказяпти. Мижозларга нисбатан қўпол муомалада бўлиш, таъмагирлик каби салбий ҳодисаларга қарши қаттиқ кураш олиб бориляпти.

— Бирлашма коллективи ўтган йилги ва бу йилнинг дастлабки ойлари планларини уддалади. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш учун нималар қилияпти?

— Ўтган йили умуман бирлашма бўйича барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича план бажарилди, лекин 11 та транспорт-экспедиция агентлигидан 4 таси давлат планларини бажара олмади. Шундай экан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талабларидан келиб чиқиб, эътиборни ҳал этилмаган масалаларга, биринчи навбатда ишлаб чиқариш резервларидан унумли фойдаланишга, қолоқ участкалар ишини яхшилашга қаратяпмиз. Аҳолининг транспорт-экспедиция хизматига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш учун хизматлар турини кўпайтириш, қабул пунктлари тармоғини кенгайтириш чоралари кўриляпти. Ҳозир шаҳардаги ўнта районда транспорт агентликлари бўлиб, аҳолига 34 хил хизмат кўрсатиляпти.

Моддий, ёқилғи, энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни тежаш масаласи коллективнинг доимий эътиборида турибди. Автомобилларнинг бир қисмини газда ишлашга ўтказиш борасида тадбир амалга оширияпти. Тажриба шуни кўрсатадики, автомобилларга техника хизмати кўрсатишнинг индустриал методларига ўтиш ишни яхшилашни кўриб чиқилади ва навбатдаги вазифалар белгилаб олинади. Совет коллектив ҳар бир аъзосининг меҳнатдаги иштирокини аниқлайди, интизомни мустаҳкамлаш бўйича тарбиявий иш олиб боради, социалистик мажбуриятлар бажарилишини кузатиб боради.

Меҳнатнинг бригада пудрати методи асосида ташкил этилиши самарали бўляпти. Ўтган йили олти бригада ана шу усулда ишлашга ўтказилди.

— Барча совет кишилари КПССнинг XXVII съездини ва стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигинн муносиб туҳфалар билан кутиб олиш истаги билан яшамоқдалар. Бирлашма ишчи ва хизматчиларининг режалари қандай?

— Коллективимиз ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида оширилган социалистик мажбуриятлар олди ва уларни ёруғ юз билан бажариш учун бутун куч ва ғайратини сафарбар этяпти. Аҳолига хизмат кўрсатиш маданияти муттасил ошириб борилиб, бу йил буюртмачиларга 2.800 минг сўмлик хизмат кўрсатилади. Бу ўтган йилга нисбатан 11 процент кўп демакдир. Бунга эришиш учун социалистик мусобақа авж олдириляпти. «Ўз касбининг устаси», «Энг яхши ҳайдовчи», «Энг яхши буюртма қабул қилувчи», «Энг яхши автослесарь» номини олиш учун мусобақа уюштирилган.

Бригада пудрати асосида ишловчи В. Попов, М. Фузайлов, А. Султонов бошчилигидаги коллективлар беш ойлик планларини ғалаба кунигача бажаришди. Ўнлаб ҳайдовчилар умумхалқ байрамигача беш йиллик планларини бажариш бўйича ваъдаларига вафо қилишди.

Коллективимиз 1985 йил ва умуман беш йилликни муваффақиятли якунлаш учун барча имкониятларини сафарбар этади.

● БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАДАНИЯТИНИ ОШИРАЙЛИК

● КОММУНИСТЛАР — МУСОБАҚА ПЕШҚАДАМЛАРИ

ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг геофизик кабеллар цехидан У. Муҳаммадхўжаев бошлиқ пресс-ловчилар бригадаси йил бошидан буён муттасил иккн сменада тежаб қолинган материаллар ҳисобига ишлади. Коммунистлар бошлаган ишлаб чиқариш ресурсларини иқтисод қилиш резервларини изланиш натижаси шундай бўлди.

КПСС XXVII съезди шарафига зарбдор вахтада турнб ишлаётган бригада аъзолари корхонанинг бутун коллективи каби бир йилда камида иккн кун тежаб қолинган материаллар ва электр энергияси ҳисобига ишлашга ваъда беришган эди. Бу мажбуриятни бажариш йўл-йўриқлари партия группасининг очиқ йиғилишида муҳокама этилди. Коллектив партия группаси ташкилотчиси Э. Шамсиев бригада аъзолари ўртасидаги ўзаро социалистик мусобақа шартларига материалларни кўп сарфлаганларнинг пул мукофоти миқдорини камайтириш ҳақидаги таклифни киритишни айтганида уни якдиллик билан маъқулладилар.

Т. Маҳмудов, И. Холопов сингари тажрибали ишчилар, коммунистлар, инженерлар билан биргаликда электр кабелини изоляция қилиш технологиясини такомиллаштиришди. Улар мисининг ҳар бир парчасини, ҳар бир грамм изоляциянн оқилона сарфлаш, ускуналарнинг бекор айланишига барҳам бериш учун ички бригада кўрик-конкурсини ташкил этдилар. Натижада бригада ҳозиргача ўн минг сўмликдан зиёд материалларни тежаб қолди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЯНГИ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯ ҚУРИЛМОҚДА

СОФИЯ. Рила тоғлик массивида «Чаира» гидроаккумуляция электр станциясининг қурилиши масъулиятли босқичга кирди: бу ерда бўлғувси сув омборининг юз метрли тўғони қурила бошлади. Тўғон билан бир пайтда тоғ бағридан ўтадиган штольня ва туннеллар ҳам жадал суръатлар билан қазилмоқда. Туннель ичида ётқизилган қувур орқали сув электр станция машина залидаги турбиналарга юборилади.

«Чаира» қуриш нима учун зарур бўлиб қолди? Мутахассислар БХРда тунлари электр энергия истеъмоли тахминан 60 процент камайишини ҳисоблаб чиқдилар. Айни маҳалда «Козлодуй» атом электр станцияси ва ТЭС электр энергия ҳосил қилишни давом эттираверади.

Шунинг учун ҳам «Чаира» тун мобайнида электр энергиясини ишлатади: кучли насослар ёрдамида сувни қўшни «Белмекен-сестримо» энергетика каскадининг сув омборига ҳайдаб ўтказади. Кундузи эса шу омбордаги сув яна «Чаира» турбиналарини ҳаракатга келтиради ва бунинг натижасида ҳосил бўлган электр энергияси унга эҳтиёж ғоятда кўпайиб кетган пайтларда БХР энергия системасига берилиб туради. «Чаира» бундан ташқари мамлакат энергия системасининг ўзига хос қўшимча «резерви» бўлиб қолиб, системанинг муқим ишлашига кўмак беради.

Гидроаккумуляция ц и я электр станциясининг қуввати 860 мегаваттга боради.

КООПЕРАЦИЯНИНГ САЛМОҚЛИ ЮТУҚЛАРИ

БЕРЛИН. Қишлоқ хўжалик тадқиқотларининг якунлари ҳамда вазифалари, совет олимлари билан биргаликда илмий кооперацияни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш масалалари ГДР қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг бу ерда бўлиб ўтган ялпи мажлисида муҳокама этилди.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳар икки мамлакат олимлари ҳамкорлик қилмоқда. Улар узоқ муддатли махсус программалар асосида 34 мавзу бўйича биргаликда тадқиқот олиб бормоқдалар. Бу ишда ГДР қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг барча тадқиқот марказлари ҳамда Совет Иттифоқидаги 30 дан зиёд турли институтлар қатнашмоқда.

Кооперация ернинг унумдорлигини ошириш, ўғитларни қўлланиш, ўсимликларни ҳимоя қилиш, деҳқончилик ва чорвачиликнинг саноат методларига оид илмий ишларни ичига олади.



Копенгаген. Шаҳсий секторда иш ташлашларни бартараф этиш бўйича Дания ҳукумати қабул қилган қарорга минглаб меҳнаткашлар бўйсинишдан бош тортишди. Бу кейинги 12 йил орасидаги энг йирик қарама-қаршилик касаба союз ташкилотларининг кўп ойлик ўзаро фикр алмашиши туфайли юзага келди.

Суратда: митинг қатнашчиларини қамоққа олиш.

ВАШИНГТОНЧА ТЕЖАШ

ВАШИНГТОН. Сенаторлар овоз бериш якунини Пентагонга нисбатан «жамоатчилик ишончини тиклаш томон қўйилган муҳим қадам» деб кўрсатишга шошилишди. Ўзлари эса келгуси молия йилининг ҳарбий бюджети лойиҳасига бир қанча тузатишлар киритиш учун овоз беришди. Гўё бу тузатишларда америкаликларнинг солиқ тўловчиларнинг маблағлари мудофаа министрлиги томонидан қай тарика ва нималарга сарфланишида тартиб ўрнатишни таъминлаш кўзда тутилган эмиш.

Қуролланиш пойгаси жуда катта фойда келтираётганига қаноат қилмаган Пентагоннинг амалдаги барча асосий пудратчилари очиқдан-очиқ муттаҳамлик қилаётганлиги фош этилгандан кейин шундай тузатишлар киритишга эҳтиёж туғилган эди. Мустаҳкам пудратчилар беш долларли оддий болға учун салкам 500 доллар талаб қилишади. Тадқиқот ишларига «сарф-харажат» деган баҳона билан бирон-бир корпорация раҳбарлари ва оила аъзоларининг кўнгил ёзиш сафҳатларига жуда катта счёт тақдим этишади. Тақдим этиладиган бундай тўлов ҳужжатларида ҳатто «итларни боқиш харажатлари»ни қўшишдан ҳам тап тортишмайди. Қўшма Штатлар конгресси вакиллар палатаси қуролли кучлар ишлари комитетининг яқинда эълон қилинган муфассал доклади ана шундай мисолларга тўлиб-тошган. Ҳозирги маъмурият «энг қулай фаровонлик» яратиб берган ўз пудратчиларининг сарф-харажатларига Пентагон кўп ҳолларда бажонидил ҳақ тўлаганлиги таъкидланади.

Бироқ бу фош этишлар америкаликларнинг қаҳр-ғазабига сабаб бўлди. Сенатор Д. Бамперснинг айтишича, кўпчилик америкаликлар бундай яроқсиз практикага дарҳол барҳам бериш чораларини кўришни талаб қилмоқдалар.

Конгресснинг юқори палатаси «ишончни тиклаш» чоралари учун овоз берди. Аммо, шуниси равшанки, гап бориб турган қаллоблик ҳақида бормоқда. Уларнинг мақсади— пудратчиларнинг жинояткорона кирдикорларидан норозиликни йўққа чиқариб, шу тариқа Пентагоннинг уларга бўлган ҳимматини оширишга қаратилган. Ахир, сенаторлар солиқ тўловчиларнинг маблағлари беҳуда сарфланаётганлигнд а н қаҳр-ғазаб билдириб, бундан бир неча кун илгари қуролланиш пойгасини авж олдириш учун 302 миллиард доллардан кўпроқ маблағни Пентагонга ажратиб беришган эди. Сенат резолюциясидан олинадиган «тежам» — бу рекорд маблағ олдида денгиздан томчи, холос.

Франциядаги иқтисодий ва социал муаммолар кун сайин кучайиб бормоқда. Ҳозирги кунда мамлакат бўйича 2,5 миллиондан ортиқ ишсиз бор. Мамлакат маъмурларининг олиб бораётган иқтисодий тежамкорлиги туфайли кун сайин ишсизлар армияси сафи кенгайиб бормоқда. Бир қатор саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни қайта ташкил этиш туфайли кўплаб малакали ишчилар ишдан бўшатиляпти.

СУРАТДА: ишга ёллаш агентлиги доимо ишсизлар билан гавжум.



Осиёда энг йирик ҳисобланади

Улан-Батордаги миллий кутубхонада Осиё қитъасидаги энг йирик ҳисобланган китоб сақлагич мавжуд. Бу ерда тарихий воқеалар ҳамда медицина, фалсафа, астрономияга оид миллиондан ортиқ қимматбаҳо қўлёзмалар тўпланган. Шунингдек, кутубхонада қадимги монгол тилларида ҳамда тибет, санскрит ва бошқа халқларнинг тилларида турли йилларда яратилган қадимги адабиётлар сақланмоқда. Кутубхона фондида энг ноёб ҳисобланган 108 томли қадимги «Ғунжур» қобусномаси ҳам эҳтиётлик билан асралиб, илм-фан ихлосмандлари ихтиёрига бериб қўйилган.

Беозор қўриқчилар

Қадимдан ғозлар ҳақида, уларнинг қўриқчилик хусусияти тўғрисида турли афсоналар тўқилган. Бунн ҳисобга олган бир инглиз фирмаси ҳозирги замон эҳтиёт чораларига қарама-қарши омборни қўриқлаш вазифасини ғозларга топшириб қўйган. Туну-кун бир тўда хитой ғозлари фирма— омборхоналарн эшиги олдида қўриқчилик қиладн. Улар четдан бирон бир хавф туғиладиган бўлса, қаттиқ қичқиришиб, икки қоровулни ёрдамга чақиришади. Бу «система» 1959 йилдан бери доимий ишлаб турибди. Шунисн қизиқки, ғозлар тўдаси электроникага ўхшаб ремонт талаб қилмайди.

Маймунлар мусобақаси

Ҳар йили Тайландаги вилоятларнинг бирида ўзига хос мусобақалар ўтказиш одат тусига кирган. Бу ерда ўргатилган маймунлар кокос ёнғоғини теришда ўзаро мусобақалашишади. Шу боисдан ўзига хос беллашувни томоша қилиш учун маҳаллий аҳоли билан бир қаторда чет эллик туристлар ҳам келишади. Шунн айтиш керакки, маймунларнн турли ишларни бажаришга ўргатиш билан тайландликлар азалдан шуғулланиб келишади.

● «УЗБЕКСЕЛЬМАШ» НАМУНАСИ

ЗАВОД ДАРВОЗАДАН БОШЛАНАДИ

● ДИРЕКТОР ҲУЗУРИДАГИ ПЛАНЁРКА ● МАИШИЙ ШАРОИТГА БИРИНЧИ ДАРАЖАЛИ ЭЪТИБОР ● ҚУЮВЧИЛАР УЧУН ОШХОНА ● САРОЙ ЎРНИДА ЯНГИ ЦЕХЛАР ● ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШДАГИ КОНКУРС

Бугал Ўзбекистон ССР за Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги номли «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси директори У. Исмоилов планёркани ўз кабинетида ўтказди. Унинг иш куни завод дарвозаси яқинидан бошланди. Биз бу корхонага яқинлашганда унинг бутун территорияси саранжом-сариштилиги н и пайқаш мумкин, десак янглишмаган бўламиз. Корхонага кираверишда ҳам жуда шинам ва озода. Бу шунчалик ҳашам учун эмас, балки ишчиларда кайфият ҳосил қилиш учун қилинган. Бу меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг дастлабки процентлари дейиш мумкин.

Шуни айтиш керакки, машинасозлар коллективининг планлари кўпчилик кўз ўнгида амалга ошаяпти. «Ўзбексельмашга борадиган йўл кенгаймоқда, тез вақтда унда корхона номи ёзилган арк қад кўтаради. Ундан нарида автомашиналар учун тўхташ жойи, хиёбон, фонтан бўлади. Бугунги кунда эса корхонанинг янги дарвозаси пештоқнни «Союзмашхлопководства»нинг рамзий герби безаб турибди. Ундан ичкарироқда эса завод усталари тайёрлаган ишлаб чиқариш бирлашмаси гербини кўриш мумкин.

Заводда бир йил бўлмаган кишига бу ердаги ўзгаришлар дарҳол сезилади. Ҳовлига кираверишда кўргазмали агитация воситалари билан безалган катта майдон бунёд қилинди. Тиканакли симлар билан ўраб қўйилган жойда эса учта магазин — сабзавот, озиқ-овқат ва саноат моллари магазини қад кўтарди. Шундай қилиб, корхона меҳнаткашлари ҳамма нарсани шу ердан сотиб олишлари мумкин.

— Сўнгги пайтларда, — деб ҳикоя қилди Уктам Қўчқорович, — заводда ишчилар ва хизматчиларнинг маиший шароитини яхшилаш учун талай ишлар қилинди. Масалан, овқатланиш цехини олайлик. Ҳозир завод ишчи ва хизматчиларига 500 ўринли учта ошхона хизмат қилмоқда. Илгари марказий ошхона қандай бўлганлигини бу ерда ҳамма яхши эслайди. — у кўримсиз, нимқоронғи бино бўлиб, тушликка навбат кутганлар билан тирбанд бўлиб кетарди. Бугунги кунда эса корхонадаги қўли гул кишиларнинг ҳаракати билан у тўла реконструкция қилинди. Ҳозир ошхонанинг ичи ресторандагидан қолишмайди. Савдо залини безашда замонавий материаллардан кенг фойдаланилди. Бу ерда меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва ишчиларнинг кайфияти уларнинг овқатланишини ташкил этиш билан узвий боғлиқ. Яна шуниси муҳимки, у ерга ўрнатилган «Эффект» линияси 15—20 минутда тушлик қилиб улгуриш имконини беради.

«Шодлик» ошхонаси реконструкцияси тугади. Меҳнати энг оғир бўлган қуюв цехи ишчилари учун алоҳида ошхона ташкил этилди. Бу ерда социал-маиший тадбирлар учун ажратилган маблағлар ҳисобидан тушлик овқат нархи 30 тийинга арзонлаштирилди.

«Узбексельмаш» Кировр район ошхоналар трести билан яхши амалий муносабатларни йўлга қўйган. Завод ошхонаси базасида ишлаб чиқариш-кулинария бирлашмаси ташкил этилди. У кулинария магазинини ва районнинг бир қатор ошхоналарини ярим фабрикатлар билан таъминлайди. Машинасозлар ошхоналарни қуриш ва реконструкциялашни ўз кучлари билан амалга оширмоқдалар. Бунда уларга трест коллективи ҳоли қудрат ёрдам кўрсатяпти. У ўзининг асосий ва бош вазифаси — ишчиларнинг умумий овқатланишини йўлга қўйишни муваффақиятли адо этяпти. Яқинда заводда бири 80 ўринли, иккинчиси 140 ўринли икки чойхона ишга туширилади. Овқатланиш цехи муҳимлиги жиҳатидан бирлашмада биринчи ўринлардан бирини эгаллайди. Шунинг учун ҳам директор ҳузуридаги ҳафталик планёркаларда ошхона мудири ва трест вакиллари иштирок этишади. Шундай қилиб кўпгина масалалар оператив тезкорлик билан ҳал этилади.

— Келинг, яна бироз ўтмишга қайтамиз, — дейди У. Исмоилов. — Мана бу ерда тўртта сарой бўлганлигини, бу ерда 4-йиғув цехининг механика участкаси жойлашганлигини биласизми?, — дейди у устунлар қад кўтарган жойни кўрсатиб. — Энди бу ерда автомат цехи қуриляпти. Унинг ёнида инженерлик-лаборатория корпуси учун ҳандақ қазиляпти. Яна маъмурий-маиший корпус қуриш ниятимиз ҳам бор. Тўғри, битта сарой қолди. Лекин симларни ўтказиш, ускуналарни ўрнатиш учун ҳозирги механика-йиғув цехини қурмоқчимиз.

Маиший аҳволни яхшилаш. Планни бажариш. Корхоналарда кўпинча бу масалаларни бир-биридан ажратиб юришади. Ёки ишлаб чиқариш масалалари ортида одамларни пайқашмайди, ёки ташқи ҳашамга берилиб ишлаб чиқаришни унутишади. «Узбексельмаш»да ҳаммаси комплекс ҳал этилади. Масалан, «СХУ—4» маркали сеялкалар йиғиладиган цехни олайлик. Бу ерда илгари сменада эски сеялкалардан 12 таси тайёрланарди. Цехда ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда реконструкция ишлари амалга оширилди. Комплекс монтаж қилинди. — Йиғув конвейери — бўёқчилик бўлими (илгари машиналар кўчада бўяларди) монтаж қилинди. Натижада цехнинг унумдорлиги икки баравар ўсди, ишчиларнинг меҳнат шароити ҳам яхшиланди. Ҳозир коллектив «СХУ—4» сеялкасига давлат Сифат белгиси бериш учун курашяпти.

«Узбексельмаш» территориясидан юрсангиз катта ҳашар устидан чиқиб қолдим, деган тасаввур пайдо бўлади. Ҳамма жойда эски нарсалар бузилиб ёки модернизация қилиниб, кўз ўнгингизда янгиланаяпти. Кўрак чувийдиган машиналар йиғиладиган цех реконструкция қилиняпти. Бу иш тугагач ишлаб чиқариш икки баравар ўсади. Илгари тўкилган пахталарни терадиган машиналар ишлаб чиқарилган саройда эндиликда 1200 квадрат метр майдонда кўрак чувийдиган машиналарнинг рамалари пайванд қилинган яқинда у ҳам бузилади. Унинг ўрнида янги механика-йиғув цехини қурмоқчимиз.



надиган цех қад ростлаяпти. У ерга энг янги автоматик ускуналар ўрнатилади.

Унинг ёнида маиший хизмат кўрсатиш комбинати қад ростлаяпти. Бу ҳам корхонада барча мақсадлар комплекс ҳал этилаётганлигига мисол бўла олади. Маиший комбинат йилнинг ўрталарида ишга тушади ва унда сартарошхона, химчистка, пойафзал ремонт қиладиган, радио ва телевизорларни ремонт қиладиган устахона, омонат касса ва бошқа хизматлар бўлади.

Янги икки қаватли транспорт ўтиш жойида медпункт, тиш даволаш кабинети жойлашади.

Бенхтиёр шундай савол туғилади: корхона ўз елкасига олаётган юк кўп эмасми? Қурилиш узоқ йилларга чўзилмайдими? Ахир кўпгина объектларни корхона ўз кучи билан қуряпти-ю?

— Сиз кўраётганларнинг ҳаммаси, — деб жавоб берди Уктам Қўчқорович, — шу йил тугалланади. Завод ҳозир қаддини ростлаб олди. Ишлаб чиқариш топшириқларини мунтазам ортиғи билан бажариш корхонани реконструкциялаш ва кенгайтириш учун фонд ташкил этиш имконини берди. Биз йирик ремонт-қурилиш цехига, ўз бетон қориш узелимизга эгамиз. Энг муҳими, ҳозир одамлар ҳамда турмуш шароитларини яхшилаш учун 4,2 миллион сўм сарфланди ва 2,5 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида бу мақсадларга 6,5 миллион сўм сарфланади. Яна бир диққатга сазовор факт: 1983 йилдан бошлаб «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида кадрлар қўнимсизлиги 33,3 процентдан 12,3 процентга камайди. Бугунги кунда бу ерга ишга жойлашиш учун ўзига хос конкурсдан ўтиш лозим.

...Директор ҳузуридаги «планёрка» тушликка яқин тугади. Бунда у кимнидир эҳтиёжини билди, кимларгадир маслаҳат берди. Кимларнидир қаттиқ огоҳлантирди. Лекин бугун тушлик қилиш имкони бўлмади. Танаффусда Уктам Қўчқорович Исмоилов завод оилавий ётоғида яшайдиганлар билан мажлис ўтказди. Партия комитети, касаба союз комитети, цех бошлиқлари вакилларининг иштирокида ётоқхоналарда маиший шароитларни яхшилаш, уларнинг турар жой фонди учун масъулияти ҳақида гапиришга қарор қилди.

В. СЕРГЕЕВ.

СУРАТДА: ишчилар ошхонасида.

2 тошкент сет. оқшоми
3 ИЮНЬ, 1985 й.

Адабиёт ва Санъат

- САНЪАТ ОЛАМИДА
- БОЛАЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР
- ШЕЪРИЯТ МУХЛИСЛАРИГА
- СТУДЕНТЛАР ДАВРАСИДА
- МУЗЕЙ ЗАЛЛАРИДА

Душанбадаги Маяковский номли рус Давлат драма театрининг Тошкентдаги гастроллари

ҲАМ КЛАССИК, ҲАМ ЗАМОНАВИЙ

Ҳар оқшом Тожикистон пойтахти Душанбада бешта театр чироқлари чарақлаб, томошабинларни чорлайди. Уларнинг орасида буюк шоир Владимир Маяковский номи билан аталадиган алоҳида бир театр ҳам бор. Шу кунларда тошкентликларнинг олқишига сазовор бўлган ушбу театр коллективи шаҳримизга гастролга келган. Гастроль афишасида классик репертуардан ташқари театр коллективи кичик саҳнада намойиш этадиган яна икки спектакль бор. Мухбиримиз театр директори, ЧИАССРда хизмат кўрсатган артист Н. Децикдан ушбу постановкаларни шарҳлаб беришни сўради.

—1982 йилда, — деди Н. Децик, — театримизда кичик саҳна очилди ва шу заҳоти томошабинлар эътиборини қозонди. Асосий саҳнага қўшимча кичик саҳнамиз ҳам коллективимизнинг яна бир ўзига хос ижодий қиррасини очди, актёрларимиз, режиссёрларимиз, шунингдек постановкачи - рассомларимизнинг ижодий изланишлари учун кенг имкониятлар туғдирди.

Гастроль репертуаримизга ҳам биз икки спектаклимизни киритганмиз. Булар А. Володиннинг «Севганингиздан айрилманг» ва А. Червинскийнинг «Қоғоз патефон» спектакллари дир. Тошкентликлар уларни мароқ билан томоша қилдилар.

Иккала спектакль ҳам замондошларимиз, орамизда яшаётган одамлар ҳақида. «Севганингиздан айрилманг» постановкаси ёш оиланинг бекўдуд ҳис-туйғулари ва шаклланиши, шунингдек, унинг барбод бўлиши ҳақида ҳикоя қилади. «Қоғоз патефон» спектаклининг сюжети ўз бахти ҳақида орзу қиладиган ёш қиз тақдири ҳақида.

Ушбу постановкаларда саҳнамизнинг етакчи актёрлари қаторида театрнинг ижодий ёшлари ҳам бор. Постановкаларда қатнашаётган актёрлар орасида Тожикистон ССР халқ артистлари Г. Савельева, Е. Аргуновская, республикада хизмат кўрсатган артистлар Л. Комлякова, З. Блиндерева-лар бор. Ёш актёрлардан И. Ковалёв, О. Миронова, Т. Бегишева, Я. Эльяшевич ва бошқаларнинг номини алоҳида айтиб ўтиш лозим.

Ҳозир бизнинг гастролларимиз оперетта театри биносида ўтмоқда. Кўп сонли томошабинлар илтимосини инобатга олиб, ушбу постановкалар шу театр саҳнасида намойиш қилинади.



СУРАТДА: Гогольнинг «Уйланиш» спектаклидан саҳна.

САНЪАТ ОЛАМИДА

ДОНГ ТАРАТГАН АНСАМБЛЬ

Ҳозир М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясида ўндан ортиқ турли халқ ансамбллари фаолият кўрсатмоқда. Олий музика мактабининг шарқ музикаси кафедраси ҳузурида тўртта шундай ансамбль мавжуд.

Анъанавий музика ансамбли ташкил этилганига ўн йил бўлди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, таниқли созанда ва композитор Фахриддин Содиқов уни тузишда бошчилик қилган эди. Бу орада бадиий ҳаваскорлик коллективи репертуари ранг-баранг номерлар билан бойиди.

Ёш ижрочилар бир неча симпозиумларда, республикалараро конференцияларда ҳам концертлар бериб катта муваффақият қозондилар. Самарқандда ўтказилган мусиқашуносларнинг биринчи ва иккинчи халқаро симпозиумида берилган концерт, айниқса кўпчиликка манзур бўлди. Москвадаги Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасида ташкил этилган конкурс ҳам ҳаваскорлар учун муҳим ижодий синов бўлди.

Бу йил ансамбль пойтахт области дала механизаторлари ҳузурида қатор концертлар билан чиқади. Бундай ижодий ҳисоботлардан бири яқинда Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози маданият саройида бўлиб ўтди.

А. АКБАРОВ.



ШЕЪРИЯТ ОҚШОМИ

ЯНГИ ҒАЗАЛЛАР

Маъруф НАЗАРОВ

ТИНГЛАСИН АҲЛИ ЖАҲОН

Куйла созим, жўр бўлай, тингласин аҳли жаҳон,
Куйламоққа келди фурсат, яшнади ҳушон замон.
Танти халқим банд кураш майдонида меҳнат билан,
Ҳар куним ўтмоқда, шодон, ҳамма жой омон-омон.
Истасам парвоз этарман ойга ҳам, Зуҳрога ҳам,
Коинот ёзгай поёндоз, йўлларим тахти равон.
Шум рақиблар тоҳида ўртатур, ичво солиб,
Неажабки, қарғадан чиққанлиги булбул гумон.
Кўрмадим бундай Ватан, бундай дилёр дунё кезиб,
Дид кафолатдир бунга, салкам асрдан буён!
Биз советлар юртининг эрксевар фарзандимиз,
Эркли эл гуллайди Маъруф, йўқ завол бунга, инон.

МУҲАББАТ БОҒИ

Э, кўнгил, бўлсанг вафодор, кир Муҳаббат боғига,
Ҳуш фазилат бирла чиқ, лутфан Садоқат тоғига.
Дўстлашиш қушларда ҳам лутфан эрур, гулшан аро,
Шул сабаб, етгуси албат, қўзлаган булоғига.
Эл учун хизматда бўлгин, ўчмасин номинг десанг,
Ўчмагай номинг, жавоб берсанг, ҳаёт сўроғига.
Ҳар кишига луфт ила даркор Ватан ҳам яхши ёр,
Шунда топгай бахтини, тушмас ғаним тузоғига.
Баъзилар паймол этар, нозик кўнгил бўстонини,
Оқибат ҳижрон чекар, ҳаргиз юволмай доғини.
Элда меҳнат бирла топган эътибор, Маъруф, етар —
Гул Ватаннинг қадрига ҳам ёрнинг дудоғига.

ЕТКИМ КЕЛУР

Янги бўстонда, нигоро, васлига етким келур,
Кокилин ҳар толасига чирмашиб кетким келур.
Юз боқиб, минг бор боқиб, кўз тутарман йўлига,
Келса, бирдам суҳбат айлаб, арзи-ҳол айтким келур.
Ўтди ой, фасли баҳор, бўлмади ундан дарак,
Куйлагим ёқасини чок-чокидан сўкким келур.
Берса гар ҳушхол дарак, тарки одат қилмайин,
Мардлигим меҳнат, садоқатимда кўрсатким келур.
Пишди ҳчл-ҳид мевалар, не сабаб рангсиз, бироқ,
Рангидан бергайми қарз деб кунда йўқлатким келур.
Шунчалар севдимки Маъруф, тоғ қизин, тонг юлдузин,
Кўзларимни кўзларидан узмай ўйнатким келур.

● Маъруф Назаров — Улуғ Ватан уруши қатнашчиси. Унинг қаламига мансуб шеър-ғазаллар матбуот саҳифаларида тез-тез босилиб туради.

● МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

ХАЛҚ ШОИРИ — СТУДЕНТЛАР МЕҲМОНИ

Халқлар дўстлиги орденли Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг кўп минг сонли студентлари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР халқ шоири Уйғунни самимий кутиб олдилар.

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчилари Туроб Тўла ва Мирмуҳсин, институт фалсафа кафедраси ўқитувчиси, филология фанлари кандидати Н. Саъдуллаев ва бошқалар сўзга чиқиб Уйғуннинг сермазмун асарлари ҳақида гапирдилар.

Учрашув охирида сўз олган Уйғун юксак унвонга яраша янада юксак масъулият ҳисси билан ижод қилажаги ҳақида гапирди ва китобларини институт кутубхонасига совға қилиб топширди.

С. МИРЗАЕВ.

«ЎТГАН КУНЛАР» ОПЕРАСИ

Атоқли ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий ижоди китобхонларга яхши таниш. Адибнинг романлари, айниқса севиб ўқилади. Унинг «Ўтган кунлар» романи ҳам китобхонларнинг энг яхши китобларидан бирига айланган.

Истеъдодли композитор Мирсодиқ Тожиев роман воқеаларидан илҳомланиб, янги опера яратишга киришди. «Ўтган кунлар» деб номланадиган бу операда ёзувчи яратган образ ва тасвирлаган воқеалари ҳамоҳанг ёрқин музика, ария ва дуэтлар ўз бадиий ифодасини топади.

А. АЛИЕВ.

МАРОҚЛИ СУҲБАТЛАР

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида ўтказилаётган суҳбатлар санъат мухлисларида қизиқиш уйғотмоқда. «XIX — XX асрларда ижод қилган йирик рус рассомлари» лекторийси тингловчилар билан гавжум. К. Брюллов, П. Фетотов, В. Плров, О. Крамской сингари атоқли рассомлар ижоди ва ҳаётига бағишланган суҳбатларда кўплаб санъат мухлиси иштирок этмоқда.

1871 йили Петербургда биринчи рассомлар сайёр кўргазмасида намойиш этилган «Пётр биринчи ўғли шаҳзода Алексейни сўроқ қилмоқда» асари муаллифи Николай Генинг ижодига бағишланган суҳбат ҳам мароқли бўлди.

М. АҲМЕДОВ.

Ҳаким НАЗИР, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

Аёнг ҳолининг кўз ёшлари

ҲИКОЯ

—1—

Тунов куни радио ахборотига қулоқ сола туриб, ўз номимни эшитиб қолдим. Бир солдат мактуб ёзиб, унда: «Уруш вақтлари Тошкент госпиталида ишлашган Карима Акрамова, Муҳайё Расуловаларни излайман» дебди. Адресини айтиб, номини Николай Макаров деб кўрсатибди. Бу хабар мени ўйлатиб қўйди. Уша оғир, таҳликали давр воқеалари, кино ленталарида жонланган кўз олдимдан бир-бир ўта бошлади...

Энди ўн тўрт ёшга қадам қўйгандим. Отам урушга кетгач, ойим мактабда фаррош бўлиб ишлай бошлади. Шу вақтгача уй юмушлари оймдан ортмас, менинг қўлимни совуқ сувга урдирмасди. Ўқиш-у, ўйин-кулгидан бўлак нарсани билмасдим. Энди қарабсизки, уй супуриш, чой қайнатиш, кир ювишгача ҳамма ишга аралашадиган бўлдим.

Уша кезлари юқори синф қизларини медицина ҳамширалари тайёрловчи кечки курсларга юборишганди. Мен ҳам шулар кетидан борсам деб ҳавас қилувдим, ойим:

— Қўй, ҳали ёшинг кичик, қийналиб қоласан, — деб рухсат бермадн.

Бахтимга аммам Кармахон ўртага тушди. У яқинимиздаги госпиталда врачлик қилиб, кечқурунлари курсда дарс берарди. Унга суяниб мен ҳам курсга қатнаб юрдим. Ҳаммадан оғири курс тугагандан кейин бошланди. Кун ора госпиталга борамаи, аммам ёрдамида тажриба ўргана бошлайман. Мен боғланган палатада уруш инвалидлари ётишарди: бир хилларининг қўли ё оёғи майиб, бир хиллари бошқа ёки бошқа жойидан яраланган. Ҳаммасига алоҳида парвариш керак: эрталабдан юзқўлларини ювасан, овқатини едирасан, дорриларини ичдирасан, яраларини бойлашиб юборасан... Ана шуларнинг ҳаммасини ҳозир кўз олдимга келтираман, беморларнинг исм-фамилияларию, қилиқ-одатларигача бир-бир хотирлашга интиламан. Айниқса, «Николай Макаров» деганини эслаб олишга ҳаракат қиламан. Лекин ҳеч эсламайман. Балки аммам эслар! У радиони эшитганмикин! У, эрк урушда ҳалок бўлгандан кейин қишлоқдаги аммамникига кўчиб кетган. Ўзим соғиниб юрувдим, олдига бордим. Унинг ёши етмишдан ошган, соғлари пахтадай оппоқ бўлса ҳам, ўзи тетик, ҳалигача қишлоқ касалхонасида ишлар экан. Хотираси меникидан яхши. Ўзи даволаган уруш инвалидларининг айримларини номма-ном эслади. Николай Макаров номини эшитиши биланоқ:

— Ия, Муҳайё, бу украин боласи-ку! — деб юборди.

—3—

— Қайси! — деб ўйланиб турувдим, аммам:

— Ҳа анави «полк ўғли» Николачи! — деди кулиб, — ўзинг аравачада ўйнатиб юрганинг!..

Ҳа, бўлди, бўлди... Микола! Унн фақат шу ном билан атардик. Бўйи менинг бўйимдан ҳам паст, юм-юмалоқ бола... Бир куни қулоғигача тушиб турган пилоткали, ҳалпиллаган гимнастёрка, бир пой этикли бу аскар боланн аравачада бизнинг палатага олиб кирншганн эсимда. Унинг кўзи бойлоқлн эди. Шунинг учун ёшини билиб бўлмасдн. Фақат сўзлашганда овозндан ёш болалнгнни билиб олгандик...

Микола яшаган қишлоқ уруш бошларидаёқ душман бомбаларидан вайрон бўлади. Ҳамма ёқ айқаш-уйқаш бўлиб, тирик қолган одамлар атрофга тўзиб кетади. Миколаннг отаси аллақачон армияга кетган, онаси эса партизанларга хизмат қилиб юрганида, тўполонда онасинн йўқотиб қўяди, ўзи эса қизил аскарлар орасига қўшилиб кетади. Аскарлар унн ҳайдасалар ҳам улардан ажралмайди. Окопларда бирга бўлиб, аскарларга ўқ-дорн ташиб ва бошқа дасёрчнликларни қилиб юрадн. Сўнгги оғир жанг маҳали душман снарядлари яқнн ерда портлаб, Микола оёғндан яраланади, кўзи ҳам шиккастланадн. У

—4—

фронт яқнндаги госпнталда ётаркан, кечаю-кундуз отаси билан онасинн ўйлайди. Шунда у таннш жангчндан: «укранналнк бир тўда хотнн ва болалар Тошкентга кўчнрнб юборнлдн» деб эшитади. Шундан бошлаб Микола тоқатсизланиб ўзнни Тошкентга жўнатишларинн илтимос қнлаберади. Охнрн унннг илтимоси қондирилади. Бизнинг госпиталга тушган кунданоқ Микола «оймнн топиб берингнлар» деб хархаша чиқарадн, ҳеч кимга тинчлик бермайдн. Госпиталь ходимлари тегишли жойларга учрашишади, кўчирнб келтирилганлар рўйхатнни аниқлашади. Қидира-қидира охнрн Миколаннг онаси Анна Макаровани топишади. Бу хотнн Комолон яқнндаги бнр бева кампирнинг уйнга жойлашган экан. Унн чақирнб келишнн аммам ўз устига олиб, ёнига менн ҳамроҳ қилдн. Қўлимиздаги адресга қараб ўша уйнн топиб бордик. Анна Макарова ишга кетган экан. Унга хат ёзиб қолдирдик...

Миколаннг онаси госпнталда пайдо бўлган кун сира эсимдан чиқмайдн. Бизнинг палата жуда обод бўлиб, беморларнинг қайфнятн ҳар қачонгндан кўтарилган эдн. Ёшн эллнкка етмаган бўлса-да, сочн оқариб, кўзлари ичга тушиб кетган бу орнқ партизан аёлнн ҳамма қуршаб, саволларга кўмиб ташлагандн. Микола

—5—

неча кундан буён дорн ҳам ичмай, овқат ҳам емай ётган, гап сўрасак, жавоб ўрнига «Оймн қанн!» деб жеркиб берарди. Энди эса ойисининг товушнни эшитган заҳоти таннб унинг бўйнига осилиб олган, тўлиб-тошиб йнғлар, худди ажралиб қолишдан қўрққандай онасинн ҳеч қўймб юбормасдн, кўзн кўролмаганн аламига унинг қўлларига ёпишиб, юзига юзнни қўйиб нскаганча ялаб-юлқарди. Бошқалар ҳам бу уруш даҳшатларинн ўз кўзи билан кўрган, жафокаш, дилкаш аёлдан узоқлашгилари келмасдн. Анна холаннг ўзи бўлса ўғли ённдан жилишнн хаёлнга келтирмасдн. У қайсн бнр детдомда ишлаётган экан, ишига бормасдан, ўғлига, унинг қўшнларига ҳам парвона бўлиб турдн. Мен бўлсам юмушларим хнёл енгиллашганндан хурсанд эдим. Йўқ, бу узоққа бормадн. Анна хола «уйдан бнр хабар олиб келай» деб кетганча бнр неча кун дараги бўлмадн.

Беморларинng сўрови билан мен унинг уйнга бориб кўрсам, у кўрпа-тўшак қилиб ётибдн. «Нима бўлдн сизга, Анна хола!» десам, у: «Сал шамоллаганга ўхшайман» дедн. Уй эгаси — кампирнинг сўзларидан касал сабабнни билиб олдим: Анна хола кейинги вақтларда ҳар ёққа хат ёзиб, эрнни ахтарган экан, кунн кеча фронтдан «қора хат» келибдн. Шуни ўйлабдию, бе-

—6—

ҳуш бўлиб ётиб қолибдн. Поликлиникадан чақирилган врач: «Юрак касали тутибдн» деб укол қилибдн, дорн ёзиб берибдн. Кампнр аптекадан дорн тополмай қайтибдн. Анна хола менга илтимос билан:

— Миколага касалнмни билдирма. Оймнг ишда банд бўлиб қолибдн, тезда келаркан деб кўя қолгин, — деди, агар ижозн бўлса дорн олиб келарсан деб қўлимга рецепт тутқиздн.

Мен Миколага ойисининг сўзини етказдим-у, балога қолдим.

— Ёлғон гапирясан! Тўғрисини айт, нега келмади! — деб қийин-қистовга олдн. Нима қилишимни билмайман. Бор гапни айтиб маслаҳатлашай десам, аммам йўқ. Бугун якшанба. Анчадан бери дам олмаган аммам ишга чиқмаган. Фронтдан қайтган амакимни кўрганн Дўмбробод қишлоғига кетган. Энди нима қилдим-а! Дорини қаердан топаман! Бунга фақат аммам ёрдам бериши мумкин эдн. Қачон қайтаркин у! Ёки ўзим борсаммикин-а! Миколанн ким овутиб туради! Унинг ўзи: «Тез оймни чақириб кел!» деб хархаша қилятти-ку! Охирн:

— Бўпти, жим ёт. Ўзим детдомга бориб келаман, — дедим-да, жўнадим. Йўлакай Анна холадан хабар олдим. Кампир оғир ташвишда: «Анна холанг аҳволи яхшимас. Туз тотмай, кўзнни очмай ётибди» деди.

—7—

Касалнинг қўлтиғига термометр қўйиб кўрсам, ҳароратн қнрндан ошнқ. Мен ҳеч нарсага қарамасдан Дўмбрободга чопдим.

Ёз иссиғи бошланган. Терлаб-пишиб, тиззагача чиқадиган билқ-билқ тупроқ кечиб тоғамнинг қўрғончасига етганимда кун ботиб қолганди. Каттакон тут дарахти тагидаги супада гурунглашиб ўтирган меҳмонлар меннг бемаҳал бориганимга ҳайрон бўп қолишди. Аммам ўрнидан турасолиб олдимга келди:

— Нима гап, Муҳайё, тинчликмн!

Воқеанн эшитдию, тез йўлга отланди.

Биз қишлоқ кўчасига чиққанимизда қош қорайган, ўткинчилар оёғи тнгнанди. Балки йўлда бирон арава учрар деб кўз тутсак, учрамадк. Эгри-бугри кўчалардан қоқилақуқила қадам босиб бора-бора ой чиққанда шаҳарга етиб келдик. Аммам тўғри госпиталь томон юрдн. У ерга кирнб чиқдию, Анна холаннкига шошилдн. Биз кирганда, бемор беҳуш ҳолда куйиб-ёниб, алаҳлаб ётардн. Аммам беморнинг томирнни ушлаб кўрдню, сумкасини очиб ундан дорн-дармонлар чиқардн [ҳали мен берган рецептга қараб госпиталдан бу дорнларни олиб чиққан экан]. Икковимиз биргалашиб беморга укол бердик. Кечаси билан унинг тепасида ўтирнб,

—8—

уколнн неча марта қайтардик. Азонга яқинлашганда Анна холанинг иссиғи, томир урнши пасая бошлади. Шундагина аммам чеҳраси сал ёришди. Менга қараб:

— Икки оғир хасталик қўшилишиб кетган экан — зотилжам билан юрак... Яхшики вақтида менн айтиб келганинг. Бўмаса... — дедию, ўёғнни айтмадн.

Бемор беҳолгина кўзнни очадн. Тепасида парвона бўлиб турган аммамни кўриб: «Раҳмат, доктор, раҳмат» деркан, ҳира кўзларидан тирқнраб ёш қайнаб чиқадн.

— Хафа бўманг, Анна, тузалиб қоласиз, — дедн аммам.

— Боламнн кўрармиканман яна...

— Кўрасиз, Анна, албатта кўрасиз. Тузаляпти Микола ҳам...

Эрталаб бемор тинчиб уйқуга кетдн. Аммам ёнимизда касалнинг оғзига чой томизиб ўтирган кампирга баъзн гапларни тайинлади. Кейин госпиталга кетдик. Миколанинг аҳволи нима кечдийкин! Унга кўрннишга юрагим бетламайди. Олдин аммамнинг ўзи кирадн. Миколаннинг соғлиғнни сўраб, елкасига қоқиб эркалайди-да:

— Ойинг сенга кўпдан-кўп салом айтдн. Вокзалга фронтдан янги болалар келган экан. Ойинг шуларнн кутиб олиш, детдомларга жойлаштирнш билан овора. Бечора-

—9—

нн ташвишн кўп.

Бу билан Микола тинчланмадн. Докторлар унга: «Ҳадеб безовталанаверсанг касалинг тузалишн қнйин бўладн» дейишса ҳам қулоқ солмасдн, «тез менн оймнн олдига оборинглар!» деб қистар, хархашаси кучайгандан кучаярдн. Докторлар алоҳида қараб боққанларидан кейин Миколаннг бнр кўзн очилдн. Энди у ўрнидан турибоқ, ойисининг олдига боргнсн келардню, оёғнннг ярасн ҳалал берарди. Охирн аммам менга маслаҳат солгандай дедн:

— Уёқда онасн, буёқда боласи бнр-бнрига ичнкишиб муштоқ бўб қолишди. Анна холанг ҳалн-берн келолмайди. Балки Миколани аравачасига ўтқазнб оборклсамикин-а!

— Бўптн, амма, ўзнм оборамаи! — деб юборднм тавакқал қилнб.

Бу гап Миколаннг қулоғига кирганда, у нақ ўзнн йўқотнб қўйгудай бўлдн. Биз уни кўчага [ўз хоҳишнн ҳисобга олиб] касалхона кнймнмдамас, аскарлик кнймнида олиб чиқадигап бўлднк. Яхшилаб ювинтирнб пахмоқ бўб кетган сарнқ сочларнни тарадик, кейнн аравачасига ўтқизарканмиз, у ёстиғи остидан газетага ўроглиқ бнр нарсанн олдн. Газета ичидан қизил галстук чиқдн. У узоқ йўл босиб ғижжмланиб кетган экан, ювиб дазмолладнк-да, бўйнига тақиб қўйдик.

—10—

— Бунн мен фронтдаям тақиб юрганман, — деб қўядн Микола фахрланиб.

Энди у, бир қўзн бойлиқ бўлса-да, одамга бошқачароқ, кўркамроқ кўрина бошладн. Кўчада кетаркаммиз, қизил галстукли аскар боланн кўрганлар йўлларидан тўхтаб, ҳайрат ичида узоқ кузатиб қолишардн.

Биз кампирнинг уйнга боргапимизда, Анна хола айвондагн хонтахта атрофига ёзилган кўрпачада ёнбошлаб ётган экан. [Аммам борншимизни билдирнб қўйганда]. Шарпамизни сезибоқ, қаддини кўтардн. Уриндан турмоқчи бўлганда, аммам турғазмадн. Биз илдам ҳаракат қилиб Миколанн аравачадан кўтардик-да, онасн ёнига ўтқазнб қўйдик. Она-бола қучоқлашиб ўпишаркнн, Микола тўлиқиб сўрадн:

— Сизга нима бўлдн, ойи! Касал бўлдингизми!

— Йўқ, болам, кўп ишлаб юрдим-да, чарчаб қолибман, — дедн Анна хола. У ўзнинн ижозн борнча бардам тутишга интилса-да, аммо снмобдай эрнган қалбн кўз ёшларида қалқиб чиқдн.

Балки бу ёшлар сабабчнси — вафодор эрндан таяқо ёдгор бўлиб қолган ўғилчасинн кўзн очилган ҳолда кўриб турганимкан, ёки ўғли қаторн ўзнинн ҳам оғир касаллик нскажасндан қутқарнб қолган меҳрибон одамларнинг оқибатимкнн...

ТОШКЕНТНИНГ СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА

● ФАХРЛИ СПОРТЧИЛАРИМИЗ

ИШТИЁҚ ТУФАЙЛИ



СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери, сув полоси бўйича Олимпиада чемпиони, бир неча марта Жаҳон ва Европа биринчиликларининг совриндори Эркин Шагаевни тошкентлик спорт мухлислари яхши билишади. У Тошкентдаги «Меҳнат» командасида тажриба тўплаб, катта спортга йўлланма олган.

Спортда ҳам иш ҳамиша силлиқ кўчавермайди. Бундан бир неча йил муқаддам Эркин оғир жароҳатланди. Лекин спортга бўлган иштиёқ унн яна сафга қайтишга ундади. Шундай ҳам бўлди. У тиниқсиз машқлар туфайли яна команда аъзолари сафидан жой олди. Фақат ўз клубидагина эмас, мамлакатимиз терма командаси составида ҳам маҳорат кўрсатиб, ҳурматга ва тахсинга сазовор бўлди.

Эркин Шагаевнинг республикамизда ва мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қўшган ҳиссаларн муносиб тақдирланди. Унга СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан «Ҳурмат Белгиси» орденн берилди.

— Бу мукофот,— дейдн Эркин Шагаев, — ўзнм аъзо бўлган коллективга, устозларимизга берилган мукофот деб ўйлайман. Шундай экан, бундан кейин ҳам ўзимнинг бутун куч ва иродамни, маҳоратимни клуб шарафини оширишга сарфлайман. Тажрибамни ёшларга қунт билан ўргатаман.

СУРАТДА: СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери Э. Шагаев.

● XX шаҳар спартакиадаси

ДАСТЛАБКИ ЧЕМПИОНЛАР АНИҚЛАНДИ

Тошкент шаҳридаги спорт базаларида спортнинг энг оммавий турн ҳисобланган ГТО кўпкурашн бўйнча ўтказилган баҳслар якунланди. Фикримизнинг исботи учун бир рақамга мурожаат қилайлик. Беллашувларнинг саралаш баҳсларида 100 мингдан зиёд ишчи ва хизматчн, ходим ва ўқувчи, студент иштирок этди. Энг яхшн натижа кўрсатганлар финал баҳсларида ўз районларининг шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Ун командага уюшган 120 физкультурачи ҳап қилувчи баҳсларда қатнашди. Бу ерда Куйбишев районининг вакиллари ўзларнин кўрсатишди. Умумий якунда 296 очко тўплаган район спортчилари команда ҳисобида шаҳар чемпнони унвонини қўлга киритдилар. 226,5 очко тўплаган Чилонзор районининг вакиллари эса иккинчи ўринни эгаллашди. Киров районининг физкультурачилари бронза совриндори бўлдилар.

Шахсий ҳисобда ўтказилган баҳслар якунига кўра биринчи босқичда Куйбишев районининг вакили О. Ярнгина ва Фрунзе райони вакили А. Гумеров, иккинчи босқичда Киров районининг вакили Е. Аристова ва Куйбишев районининг вакили А. Борисенко, учинчи босқичда Куйбишев районининг вакили Э. Полнкина ва Чилонзор районининг вакили Д. Шербаков, тўртинчи босқичда Куйбишев районининг вакиллари Е. Брайловская, Б. Соколков, шу босқичнинг иккинчи группасида Сергели районининг вакили Т. Снигерёва ва Фрунзе районининг вакили Р. Мирҳайдаров, бешинчи босқичда эса Киров районининг вакили С. Чурсина ва Октябрь районининг вакили Ю. Козлов шаҳар чемпиони унвонига сазовор бўлдилар.

Умуман олганда КПСС XXVII съездига бағишлаб ўтказилаётган XX шаҳар спартакиадаси программасига спортнинг 21 турн бўйнча беллашувлар киритилган. Бинобарин, дастлабки эришилган натижа билан кифояланишга ҳеч қандай ҳақлнмиз йўқ. Шу боисдан ҳам район спорт комитетлари, физкультура коллективларининг ташкилотчилари ва раҳбарлари қизғин тайёргарлик ишларини амалга оширишмоқда. Ҳали шаҳримиздаги югуриш йўлкаларн, енгил атлетика секторлари, сузиш ҳавзаларн ва спорт майдончаларида қизиқарли учрашувлар кўп бўлади.

ГТО кўпкураши бўйнча шахсий ҳисобда шаҳар чемпиони унвонини қўлга киритган физкультурачилар ҳақида газетамизнинг навбатдаги сонларида маълумотлар берамиз.

САЛМОҚЛИ ҲИССА

Киров районининг физкультурачилари ГТО кўп кураши бўйича ўтказилган шаҳар спартакиадасида учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар. Бу албатта, корхона, муассаса, мактаб ва қурилиш ташкилотларидаги физкультура коллективларида иш шу кун талаби даражасида йўлга қўйилганлигидан далолатдир.

Финал баҳсларида Тошкент алоқа электротехника институтининг катта ўқитувчиси, техника фанлари кандидати Владимир Клюхин ҳам стартга чиқди. Тўғри, у маррага биринчи бўлиб келмади. Аммо ўзининг жонкуярлиги туфайли умумий ғалабага муносиб ҳисса қўшди. Ана шундай жисмоний тарбия жонкуярлари сафига 21-ҳунар техника билим юртининг жисмоний тарбия ўқитувчиси Владимир ва Алла Корчагинларни ҳам қўшиш мумкин.

Алла Петровна тўртинчи босқич баҳсларида муваффақиятли қатнашиб, иккинчи ўринни эгаллади. Владимир Корчагин эса эркаклар ўртасидаги баҳсда ана шундай натижа кўрсатди. Алла Петровна мастер бўлиб ишлайди. У ўқувчиларга касб сирларини қунт билан ўргатиш туфайли ҳурмат топган. Айни пайтда жисмоний тарбия билан шуғулланишда ҳам шогирдларига ўрнак бўлмоқда. Владимир Корчагин эса яхши мутахассис эканлигини амалда исботламоқда.

Биринчи босқич мусобақаларида Владимир Айропетянц ва Динора Алиевалар иккинчи ўринни эгаллашди. Бу райондаги 43-мактабда физкультура ва спортни ўқувчиларнинг кундалик эҳтиёжига айлантириш борасида ибратли ишлар амалга оширилаётганлигидан далолатдир.

Оммавийлик таъминланган жойда маҳорат тез шаклланади. Биринчи марта шаҳар биринчилигининг совриндори бўлган бугунги ўқувчилар эртага яхши мутахассис ва тажрибали спортчилар бўлиб етишишса ажаб эмас.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

3 ИЮНЬ, 1985 й.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ЎЗБЕКИСТОН ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ БОШҚАРМАСИ
1985 ЙИЛДА
СССР 60 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ КИЕВ ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИНИНГ ҚУЙИДАГИ ФАКУЛЬТЕТЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

МЕХАНИКА (ўқиш муддати —5 йилу 6 ой) — учиш аппаратлари ва двигателларига хизмат кўрсатувчи инженер-механиклар, самолётлар ва двигателларга учишда хизмат кўрсатувчи инженер-механикларни тайёрлайди.

АВИАЦИЯ РАДИОЭЛЕКТРОНИКА УСКУНАЛАРИ (ўқиш муддати —5 йилу 6 ой) — учиш аппаратлари радиоэлектроника ускуналарига техника хизмати кўрсатиш радиоинженерлари, аэропортларнинг радиолокация ва радионавигация системаларига техника хизмати кўрсатиш радио-инженерлари, аэропортларнинг алоқа системаларига техника хизмати кўрсатиш радиоинженерларини тайёрлайди.

АВИАЦИЯ УСКУНАЛАРИ (ўқиш муддати — 5 йилу 6 ой) — авиация приборлари ва учиш аппаратлари электр ускуналарига техника хизмати кўрсатиш инженерлари, борт учиш-навигация комплексларига техника хизмати кўрсатиш инженерлари, аэропортлар электр ускуналарига техника хизмати кўрсатиш инженерларини тайёрлайди.

АВТОМАТИКА ВА ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ (ўқиш муддати —5 йил) электрон-ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиш, авиация тренажёрларидан фойдаланиш бўйича электрон ҳисоблаш машиналарининг инженер-системотехниклари; ҳаво ҳаракатини бошқариш автоматлашган системаларидан фойдаланиш, учиш ахборотларини бошқариш ва ишлаб чиқиш, ҳисоблаш комплекслари бўйича бошқаришнинг инженер-системотехникларини тайёрлайди.

ИНЖЕНЕРЛИК-ЭКОНОМИКА (ўқиш муддати —5 йил) — коммерция ишларини ташкил этиш ва планлаштириш; моддий-техника таъминотини ташкил этиш ва планлаштириш бўйича инженер-экономистлар тайёрлайди.

АЭРОПОРТЛАР (ўқиш муддати — 5 йил) — аэропортларни автоматлаштириш ва механизациялаш воситаларига техника хизмати кўрсатувчи инженер-механиклар, аэродромлар қурилиши бўйича инженер-қурувчиларни тайёрлайди.

АВИАЦИЯ ЕР УСТИ ТЕХНИКАСИ — аэропортларни автоматлаштириш ва механизациялаш воситаларига техника хизмати кўрсатиш (ўқиш муддати — 5 йил); ёнилғи-мойлаш материалларини синовдан ўтказиш ва қўллаш (ўқиш муддати —5 йилу 6 ой) инженер-механикларини тайёрлайди.

Ўқишга 35 ёшдан ошмаган ўрта маълумотга эга, соғлиғига кўра граждан авиациясида ишлашга яроқли шахслар қабул қилинадилар.

Хотин-қизлар қуйидаги факультетларга қабул қилинади: инженерлик-экономика, автоматика ва ҳисоблаш техникаси, аэропортлар (аэродромлар қурилиши бўйича), ёнилғи-мойлаш материаллари.

Яхши ўзлаштиришга эришган студентлар IV курсгача 40 сўм, V ва VI курсларда —45 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар. Студентларга кийиш муддати давомида 25 процент баҳосини тўлаш шарти билан формали кийим-бош берилади.

Студентларнинг кўпчилиги ётоқхона билан таъминланадилар.

АРИЗАЛАР 20 ИЮНДАН 31 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Аризага қуйидагилар қўшиб топширилади: ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), корхона раҳбари томонидан тасдиқланган характеристика, медицина справкаси (086/У форма), 6 дона фотосурат (3х4 см).

ПАСПОРТ ВА ҲАРБИЙ БИЛЕТ ШАХСАН КЎРСАТИЛАДИ.

Медицина тасдиғидан ўтказиш қабул комиссияси йўлланмасига кўра кириш имтиҳонларидан олдин амалга оширилади.

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача математика (ёзма ва оғзаки), физика (оғзаки), рус тили ва адабиёти (ёзма) фанларидан ўтказилади.

МАШҒУЛОТЛАР —1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Киев граждан авиацияси инженерлари институти граждан авиациясининг Актюбинск олий учувчилик билим юрти ва Кировоград олий учувчилик билим юртига қабул ўтказади. Ўрта маълумотга эга, соғлиғига кўра граждан авиациясидаги учувчилик ишига яроқли эркаклар инженер-учувчи, инженер штурман (23 ёшгача) ихтисосларига қабул қилинадилар.

Билим юртига киришни истаганлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: ариза, аттестат (асли), иш жойидан характеристика, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (меҳнат стажига эга бўлганлар учун), медицина справкаси (086/У форма), 6 дона фотосурат (3х4 см), психоневрологик диспансердан справка ва рентгенолог хулосаси қўйилган ҳолда бурун катаклари ўсимталарининг рентген сурати.

ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ АКАДЕМИЯСИГА — **ҳаво ҳаракатини бошқариш бўйича инженер ихтисосига** (25 ёшгача).

Аризалар ва ҳужжатларни қабул қилиш ва медицина тасдиғидан ўтказиш Киев граждан авиацияси инженерлари институти қабул комиссияси томонидан қуйидаги адресда амалга оширилади: 700033, Тошкент шаҳри, 33-алоқа бўлими, Гоголь кўчаси, 77-уй, Киев граждан авиацияси инженерлари институти филиали.

Кириш имтиҳонларини топшириш пайтида барча абитуриентлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Тайёрлов бўлимига СССР Қуролли Кучларидан запасга бўшатилган ҳарбий хизматчилар орасидан қисқартирилган муддатли ва кундузги таълим бўйича тингловчилар қабул қилинади.

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА КИРИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ (252058, Киев шаҳри, 58-алоқа бўлими, Космонавт Комаров проспекти, 1-уй, Киев граждан авиацияси инженерлари институти, тайёрлов бўлимига) 5 ИЮНГАЧА ТАҚДИМ ЭТИШ ЛОЗИМ: ҳарбий қисмдан тайёрлов бўлимига йўлланма (ёки олий ўқув юртига конкурсдан ташқари кириш учун тавсиянома), характеристика, медицина справкаси (286-форма), 8 дона фотосурат (3х4 см), ректор номига ариза.

Ўқишга кирувчилар математика ва физика бўйича суҳбатдан ва махсус комиссиядан ўтадилар.

МАШҒУЛОТЛАР —10 ИЮНДА БОШЛАНАДИ.

Тайёрлов бўлимига қабул қилинганлар стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

БИТИРИШ ИМТИҲОНЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТОПШИРГАН ТИНГЛОВЧИЛАР ЎҚИШГА КИРИШДА ЎЗЛАРИ ТАНЛАГАН ФАКУЛЬТЕТНИНГ 1 КУРСИГА 30 ИЮЛДАН КЕЧИКМАЙ КОНКУРСДАН ТАШҚАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

СЕВГИЛИМ ҲУЗУРИГА БОРАМАН...

НИКОҲ КУНИ КЕЛИННИ ОЛИБ КЕЛИШ УЧУН УЧТА ОТ ҚЎШИЛГАН РУС ТРОЙКА АРАВАСИДА БОРИШ МУМКИН. БУНИНГ УЧУН ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР ОРҚАЛИ ЎЗ ВАҚТИДА БУЮРТМА БЕРИШ ЛОЗИМ: 75-75-47, 76-82-19, 76-76-26



ТОШКЕНТ ОТЧОПАРИ НИКОҲ ТЎЙИ МАРОСИМЛАРИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ УЧУН УЧТА ОТ ҚЎШИЛГАН РУС ТРОЙКА АРАВАЛАРИНИ ПРОКАТГА ТАЙЁРЛАБ ҚУЙИДИ.

ТОШКЕНТ ОТЧОПАРИ.

САРФ-ХАРАЖАТИНГИЗ ҚИСҚАРАДИ

АГАРДА СИЗ БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИННИНГ БАҲОСИ 40 ПРОЦЕНТГА АРЗОНЛАШТИРИЛГАН МОЛЛАРНИ СОТИШ БЎЙИЧА

МАХСУС СЕКЦИЯЛАРГА МАРҲАМАТ ҚИЛСАНГИЗ

АРЗОН БАҲОЛИ МОЛЛАРНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

БУНДАЙ СЕКЦИЯЛАР 3-4-ҚАВАТЛАРДА ЖОЙЛАШГАН.

СОТУВГА ҚУЙИДАГИ МОЛЛАР ҚЎЙИЛГАН:

ПОЙАФЗАЛЛАР— хотин-қизлар ёзги ва кузги туфлилари, этиклар ва калта қўнжли этиклар, шунингдек эркакларнинг қўнжли ботинкалари;

БАҲОРГИ КЎЙЛАКЛАР— миллий хонатласдан (46-50 размерли) тикилган бўлиб баҳоси 33—35 сўм, кримплендан тикилган миллий кўйлаклар (44—50 ва 54—56 размерли), баҳоси 31—35 сўм;

УСТКИ КИЙИМЛАР— капрондан тикилган курткалар, поролон астарли кримплендан тикилган пальтолар (44-60 размерли), баҳоси 71-89 сўм «жерси» газламасидан тикилган пальтолар (46-50 размерли) баҳоси 65-71 сўм.

ГУМ (телефон 46-27-39).

АВТОМОБИЛЬ ВА МОТОЦИКЛ ҲАВАСКОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«УЗСПОРТТОРГ»НИНГ 14-МАГАЗИНИДА

Фарҳод ярмаркасида

«МОСКВИЧ» МАРКАДАГИ АВТОМОБИЛЛАР БЕМАЛОЛ СОТИЛМОҚДА:

«Москвич —412» (Ижевск заводи). **Ўртача баҳоси 7464 сўм,**
«МОСКВИЧ —М —2140» («Москва» заводи) —**7500 сўм,**
«МОСКВИЧ М —2140 ЛЮКС» (Москва заводи) —**8000 сўм.**

БУНДАН ТАШҚАРИ МОТОЦИКЛЛАР ҲАМ БЕМАЛОЛ СОТИЛМОҚДА:

ИЖ-ЮПИТЕР (кажавали), **Ўртача баҳоси —1450 сўм.**
ИЖ-ПЛАНЕТА —5 (кажавасиз). **Ўртача баҳоси —1450 сўм.**
ИЖ-ПЛАНЕТА —5 (кажавасиз) —980 сўм,
«МИНСК» —**450 сўм,**
«ВОСХОД» — **580 сўм,**
«ТУЛА» МОТОРОЛЛЕРЛАРИ —475 сўм,
«УРАЛ» ВЕЛОСИПЕДЛАРИ —66 сўм.

БУЛАРНИ «УЗСПОРТТОРГ»НИНГ ҚУЙИДАГИ МАГАЗИНЛАРИДАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН:

1— У. Юсупов кўчаси, 3-уй,
2— Муқимий кўчаси, 16-уй,
42— Олой бозори,
22— «Олмазор» массиви, 15/3 уй.



«УЗСПОРТТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИ (телефон 96-29-50).



«О-65»
СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА

СИЗ АНА ШУ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИБ, МАИШИЙ ХИЗМАТ УСТАХОНАЛАРИ КЎРСАТАДИГАН ХИЗМАТНИНГ ИШ СОАТЛАРИ ВА НОМЛАРИНИ БИЛИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари, кийим-кечаклар тикиш ательелари, маиший техника, телевизор ремонти бўйича устахоналар, теле ва радиотелеательелар, кир ювиш устахоналари, сартарошхоналар, химчистка, прокат пунктлари

ХАЙРЛИ ХИЗМАТ БЮРОСИ

сизнинг кичкинтойларингизни парвариш қилиш учун энагалар топишга,

квартираларни ораста қилиш, шаҳримизга келган меҳмонларни эса квартираларга жойлаштиришга ёрдам беради.

«065» ХИЗМАТИ

сизнинг хоҳишингизга кўра якка тартибда хизмат кўрсатиш юзасидан сиз билан шартномалар тузади.

Бундай ҳолда сиз бутун йил мобайнида сизни қизиқтирган барча масалалар бўйича янада тўла ахборотлар олишингиз мумкин.

ШАРТНОМА ТУЗИШ ЮЗАСИДАН «065» ТЕЛЕФОНИ ОРҚАЛИ ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ.

Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигининг «065» справка-ахборот хизматн қуйидаги адресда жойлашган: Тошкент шаҳри, 1-Май кўчаси, 1-уй.

«ТАШГОРПРОКАТРАЗНОБИТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ (телефон 77-84-77).

КАСБ ЎРГАНИШ МАСКАНИ

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

САНОАТ МОЛЛАРИНИНГ КИЧИК СОТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН

5 ВА 6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

17 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН, 8 ВА 10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ПРОПИСКАСИ БЎЛГАН ҚИЗЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқувчиларга ойига 52 сўмдан 63 сўмгача стипендия тўланади.

Битирувчиларга шаҳарнинг йирик савдо магазинларига ишга йўлланмалар берилади ва Совет савдоси техникумига ўқишга кириш учун имконият яратиб берилади.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, 10-квартал, 15-уй (20, 34, 50, 54, 70, 75, 79-автобуслар; 6, 11, 12 13, 19-троллейбусларнинг «Шуҳрат» бекати: метронинг «Чилонзор» станцияси). Ўқув қисми телефони 76-39-54.

«ТАШКУЛЬТТОРГ» (телефон 91-18-79).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

КИНО

3 ИЮНДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СИР САҚЛАГАН ОДАМ» — **Санъат саройи** (катта зал, 18.30, 20.45; Телефон 44-21-34), **Ҳамза номли** (18.30, 21.00; Телефон 91-10-51), **К. Ёрматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66), **М. Шайхзода номли** (18.30, 20.45).

«МЕН ҚЎРҚАМАН» — **Санъат саройи** (кичик зал, 17, 19.30).

«МУҲРЛАНМАГАН ЮК» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **Қозоғистон** (жуфт ва тоқ соатларда).

«ТАВАККАЛЛИК ОҚИБАТИ» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Ватан** (тоқ соатларда), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Хива** (21.45), **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75).

«ОҚ ҚОПЛОН АВЛОДИ» — **Тинчлик** (тоқ соатларда).

«ЖАННАТДАН ИККИ ҚАДАМ НАРИДА» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда).

«СОДИҚ ҚЎЛ — ҲИНДУЛАР ДЎСТИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

«СПАРТАК» — **Фестиваль** (21.45, телефон 32-78-02).

«ВОДИЛЛИК КЕЛИН» (ўзбек тилида) — **С. Раҳимов номли** (18.30, 21.00, телефон 48-46-71).

4 ИЮНДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СИР САҚЛАГАН ОДАМ» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 44-21-34), **Ҳамза номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 91-10-51), **К. Ёрматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66), **М. Шайхзода номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

«МЕН ҚЎРҚАМАН» — **Санъат саройи** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

«МУҲРЛАНМАГАН ЮК» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **Қозоғистон** (жуфт ва тоқ соатларда).

«ТАВАККАЛЛИК ОҚИБАТИ» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Ватан** (тоқ соатларда), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Хива** (21.45), **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75).

«ОҚ ҚОПЛОН АВЛОДИ» — **Тинчлик** (тоқ соатларда).

«ЖАННАТДАН ИККИ ҚАДАМ НАРИДА» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда).

«СОДИҚ ҚЎЛ — ҲИНДУЛАР ДЎСТИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

«СПАРТАК» — **Фестиваль** (21.45, телефон 32-78-02).

«ВОДИЛЛИК КЕЛИН» (ўзбек тилида) — **С. Раҳимов номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 48-46-71).

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА
3 ИЮНЬ
СОАТ 19.00 ДА
СССР биринчилиги учун
«ПАХТАКОР» (Тошкент) — «ЗВЕЗДА» (Жиззах)
командалари ўртасида
ФУТБОЛ

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИНИНГ КЕЧКИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРИГА
ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ
1 ИЮЛГАЧА УЗАЙТИРИЛДИ

Кириш имтиҳонлари 20 июль кунлари ўтказилади.

Тошкент область, Тошкент районидаги 22-ўрта мактаб томонидан **Уразалиев Бекмурот** номига берилган 568348 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Қуйбишев районидаги 148-ўрта мактаб томонидан **Раҳметова Раъно Абдумаликовна** номига берилган 300222 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ТВ

ДУШАНБА

3 ИЮНЬ

● МТ I

18.00 «Онамларнинг мактаби».
18.30 Мультфильмлар.
18.55 «Гуноҳни енгиллатувчи омилларсиз». Алкоголизмнинг зарари ҳақида илмий-оммабоп фильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ишлар ва одамлар». «КамГЭСэнергострой» бирлашмаси коллективининг бригада пудрати усулида ишлаш тажрибаси ҳақида.
20.00 Бокс бўйича Европа чемпионати. Финал. Венгриядан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ
3 ИЮНЬ, 1985 й.

22.05 А. С. Пушкин. «Борис Годунов». Телеспектакль.
23.35 «Дунё воқеалари».
23.50 Футбол шарҳи.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Анна Дубровская бошоғи». Ҳужжатли фильм.
19.00 Ритмик гимнастика.
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Валя хола ҳикоя қилади...»
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 РСФСР халқ артисти В. Мальченко концерти.
23.00 Илмий-оммабоп фильмлар.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Уруш эшик қоққанда» (рус.).
18.45 «Алкоголь ва чекишнинг ирсиятга таъсири». Врач маслаҳати.
19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Звезда» (Жиззах). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус.).
20.50 «Ахборот».
21.10 «Музика истиқболи эгалари».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Сизга замин таъзими!» Видеофильм премьераси.
22.50 «Дадил қадам». Бадиий фильм. 1-серия.

● ЎзТВ II

17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 «Ҳайкалтарош Илҳом Жабборов». Телефильм («Ўзбектелефильм»).
18.15 Я. М. Свердлов туғилган кунининг 100 йиллигига. «Яков Свердлов». Бадиий фильм (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Миноралар мамлакатида». Ҳужжатли фильм.
20.30 Пушкинхонлик. «Қишлоқи оиламиз».

СЕШАНБА

4 ИЮНЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Ўсмирлар ижоди».
10.25 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
11.25 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
11.55 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Қишлоқ уфқлари». Ҳужжатли фильмлар: «Машаққатли қувончлар», «Степанов даласи», «Ферма».
16.05 «Рита». Бадиий фильм.
17.30 СССРда табиатни муҳофаза қилиш.
18.00 «Ўртоқ Свердлов. Ҳаёти саҳифалари». Ҳужжатли фильм.
19.00 «Агар соғлом бўлай десанг».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Фан ва турмуш». Инсон фаолияти турли соҳаларида ЭҲМнинг қўлланилиши.
20.00 М. Балакирев. «Исломей». Шарқ фантазияси.
20.10 «Соғ бўлинг». Е. Вахтангов номли Давлат академик театри фильм-спектаклининг премьераси.
21.30 «Время».
22.05 «Соғ бўлинг» фильм-спектаклининг давоми.
23.20 «Дунё воқеалари».
23.35 М. Хранова куйлайди (БХР).

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 А. С. Пушкин. «Борис Годунов». Телеспектакль.
10.45 Ҳужжатли фильмлар: «Ёй камондан узоқлашганда», «Шиддат».
11.10 «Будильник».
11.40 Эстония телевидениесининг эстрада симфоник оркестри чалади.
12.10 Мультфильмлар: «Аттракцион», «Тайёрланмаган дарслар мамлакатида».
12.40 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари».
13.10 «Шахмат мактаби».
13.40 «Кўҳна қалъа сояси». Болалар учун телевизион бадиий фильм. 3- ва 4-серилар.
14.50 «Шарқий Сибирь». Киножурнал.
15.00 Француз тили.
15.30 Лятошинский номли Киев камер хорининг концерти.
15.50 М. Стельмах. Асарлари саҳифаларида.
16.35 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 «Инсон ва қонун».
19.15 «Музикали киоск».
19.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Филчаларнинг саргузашти». Мультфильм.
20.45 Спорт гимнастикаси бўйича Европа чемпионати. Эркаклар. Норвегиядан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Алеко». Фильм-опера.
23.05 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб».

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Болалар учун фильмлар: «Кувноқ шаҳарча», «Дадам, ойим ва мен» (рус.).
10.40 «Кичик юлдузлар». Фильм-концерт.
11.25 «Дадил қадам». Бадиий фильм. 1-серия.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Қўшиқ». Мультфильм.
18.25 Мактаб ўқувчилари учун. «Дўстларимиз планетаси» (рус.).
18.55 «Ҳақиқат ва бўхтон». Атеистик мавзуларда кўрсатув.
19.20 «Олатов жилолари». Манзарали фильм.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 СССРда Вьетнам Социалистик республикаси Маданияти кунларига бағишланган концерт.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Қизлар гулдастаси». Концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бизнинг дала шийпонимиз». «Қишлоқ ҳақиқати» газета редакцияси ҳамда Ўзбекистон телевидениесининг биргаликдаги рейди.
22.30 «Дадил қадам». Бадиий фильм. 2-серия.
23.35 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Абитуриентлар учун. Иншо қандай ёзилади.
18.45 «Ўтюрак Бонивур». Бадиий фильм. 1-серия.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Балет шинавандалари учун».
21.10 «Эфиопия баҳори». Ҳужжатли фильм.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.
(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р —12301. **Индекс 64690.** 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.